

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ОЛИЙ ва ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ
ҲАРБИЙ ФАКУЛЬТЕТ

Ҳарбий қонунчилик асослари
ФАНИДАН

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

«Чақириккача ҳарбий таълим» йўналиши талабалари учун

ТОШКЕНТ - 2007

АННОТАЦИЯ

“Ҳарбий қонунчилик асослари” фанидан маъруза матнлари тўплами “Чақириккача ҳарбий таълим” факултети талабалари учун мўлжалланган бўлиб, мазкур фан бўйича ўқув дастури доирасидаги мавзулар киритилган.

Мазкур тўпламда ҳуқуқ ва унинг давлат қурилишидаги ўрни, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳарбий қурилиш масалалари тўғрисида, аскар ва офицерлар таркибининг ҳарбий хизматлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига давлат таъминоти ва уларга бериладиган имтиёзлар, ҳйқуқбузарликларга қарши кураш ва ҳарбий хизматчилар ва ўқув йиғинларига чақирилганларнинг ҳуқуқий жавобгарликлари тўғрисида баён қилинган.

Тўпламда шунингдек ҳарбий адлия ва суриштирув органлари, жиноий иш юритиш ҳамда Давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва кўкрак нишонлари ва хизмат ёзишмалари ҳам мазкур тўпламга алоҳида мавзу сифатида киритилган.

**Мавзу-1. Ҳуқуқ ва унинг давлат қурилишидаги ўрни.
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ватан муҳофафаси
тўғрисида.**

Ўқув тарбиявий мақсадлари.

1.Талабаларга ҳарбий қонунчилик ва қуролли Кучлар ташкил топиши бўйича назарий билим бериш.

2.Талабаларни Ватан ҳимояси йўлида қиладиган ишларида маларакарини ошириш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш..

Ўқув саволлари.

1 Ҳуқуқнинг манбаълари ва моҳияти. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликнинг асосий хусусиятлари

2.Ҳарбий ҳуқуқ ҳақида тушунча ва унинг Ўзбекистон Республикаси тизимидаги ўрни. Ватан ҳимояси ҳақида.

3.Ҳарбий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларидаги ижтимоий роли.

Ҳарбий қонунчилик асослари фанининг мақсади бошқа ижтимоий билимлар ва ўқув фанлари билан биргаликда бўлажак заҳирадаги офицерларни ҳарбий раҳбар мутахассислигига тайёрлашдаги асосий фанлардан бири ҳисобланади. Бу фаннинг асосий масалалари биринчи курс талабаларининг ёшларнинг чақирикқача бошланғич тайёргарлиги бўйича турли кўринишда ўтказиладиган машғулотилари мажмуасига киритилган.Бу фанни ўрганиш вақтида ҳарбий қурилиш масалалари, аскарлар ва офицерлар таркибининг ҳарбий хизмати, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлар, ҳуқуқбузарларга қарши кураш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги, ҳарбий адлия ва суриштирув органлари, жиноий иш юритиш, давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва кўкрак нишонлари ва хизмат ёзишмалари ҳамда иш юритиш ҳақида билим оладилар ва ўрганадилар. Бу фанни ўрганишга ____соат, улардан маърузага____ соат семинар ва амалий машғулотига ____ соат ва талабанинг мустақил таълими учун ____ соат вақт ажратилган.

Ҳарбий қонунчилк асослари фани офицер учун, шу жумладан касб ҳунар коллежлари ҳарбий раҳбари учун ҳам ўта муҳим бўлган кенг доирадаги муаммоларни камраб олади. Ҳар бирингиз касб - ҳунар коллежларидаги амалиётнинг биринчи кунларидаёқ янги билимларни эгаллаш ва уларни доимо аниқлаштириш ва кенгайтириш зарурлигига ишонч ҳосил қиласизлар.

1. Ҳуқуқнинг манбаалари ва моҳияти. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликнинг асосий хусусиятлари.

Тарих шундан далолат берадики, инсониятнинг барча ривожланиш босқичларида ўзаро тартиб ва уюшиш объектив зарур бўлиб келган. Умумий муносабатларда маълум тартибнинг зарурлиги табиатдан инсонларнинг умумий меҳнати ва уларнинг ижтимоий ҳаётда бирлашганларидан келиб чиқади. Интизомий уюшиш тартибга солишнинг ҳар-ҳил йўллари билан амалга оширилади.

Ҳуқуқнинг тарихий келиб чиқиши, хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва душман синфлари йўқолишининг қонуний натижаси билан боғлиқдир.

Ҳуқуқ ва давлат - жамиятнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган тушунчаларидир. Таъкидлаб ўтилгандек ҳуқуқнинг келиб чиқиши давлат билан боғлиқдир. Давлат ва ҳуқуқ - синфий жамиятнинг энг аввалги ривожланиш босқичларида мавжуд бўлган. Ҳуқуқий меъёрлар - органлар орқали давлат томонидан ўрнатилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Бундан келиб чиқадики ҳуқуқ давлатсиз мавжуд бўлмайди.

Аммо давлат ҳам ўз ўрнида ҳуқуқсиз мавжуд бўлолмайди. Биринчидан ҳуқуқ давлат органлари ва юқори лавозимдаги шахсларнинг ваколатларини ўрнатиш ва чеклаш учун ҳам хизмат қилади. Иккинчидан - ҳуқуқ аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатларни ижтимоий кўрсатмаларига кўра йўлга қўяди, умумий тартиб ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Шунинг учун биз ҳуқуқий давлатни умумий сиёсий - ҳуқуқий уюшмаси сифатида кўриб чиқамиз.

Ҳуқуқ ўзига хос бўлган умумий муносабатларнинг регуляторларидан фарқловчи белгиларга эга бўлиб бу белгилар қуйидагилардан иборат:

Ҳуқуқ давлат томонидан ўрнатилиб, бунёд этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш учун қулай бўлган давлатнинг эркин нормалари тизимини ташкил этади. Ҳуқуқий нормалар давлат ҳукумати томонидан расмий равишда эълон қилинади ва махсус тасдиқ ҳужжатларида (қонунлар, қарорлар, ҳарбий низомлар ва ҳоказолар)да ифода этилади. Максимал аниқлик, қонунчилик актларини ҳужжатлаштиришнинг муайянлиги аниқлигини, иш тартиби, буйруқлар бажарилуишини устидан назорат олиб боришга имкон беради ва қонунчилиқни қаттиқ тартиб интизомни қарор топдиришда муҳим юридик кафолат бўлиб хизмат қилади.

Инсон, бошқа инсон ҳуқ-атвор регуляторларидан ўзининг нормаларида давлат ҳукмронлигини ифода этиш, инсонларга ва уларнинг ташкилотчилигига кафолатли давлат ҳуқуқларини тақдим этиш билан фарқ қилиб, уларга зарурий ҳуқ- атворни ўзида акс эттирувчи юридик бурчларини юклайди ва зид келган тақдирда таъқиқлар ўрнатади.

Кўрсатиб ўтилган икки ҳуқуқий белги унинг уч белгисини ҳарактерлайди. Ҳуқуқий нормаларнинг ижроси, давлат томонидан кафолатланади. Улар бузилишидан нафақат жамият, балки инсонлар ҳуқуқлари ҳам давлат аппарати кучига таянган давлат мажбурият чоралари орқали ҳам ҳимояланади.

Ҳуқуқ жамият ҳаётида ўзига хос функцияни тўлиқ бажаради. У жамият муносабатларининг давлат регулятори, фуқороларнинг қонуний қизиқишлари, яни ўрнатилган интизомни қўриқловчи воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий меъёрлар орасидаги фарқ уларни ажратиб қўйишини англатмайди. Уларнинг барчаси доимо ўзаро таъсирдадир ва буюк келажак қуриш мақсадидаги умуминсоний жамият муносабатларини тартибга солиш масалаларини эчишда бир бирини қўллайди.

Етакчи давлат органлари томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган, ўзида ҳуқуқий меъёрларни мужассам этган ёзма актлар ҳуқуқий масалалари дейилади.

Ҳуқуқ манбаларнинг асосийлари қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Ўзбекистон Республикасининг қуролли Кучлари қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меърий буйруқ ва фармойишлари;
- Вазирликлар, давлат комитетлари ва муассасалар;
- Маҳаллий кенгашлар ва уларнинг ижро комитетларининг меърий ҳужжатлари;
- Давлат ваколат органлари томонидан рухсат берилган жамоат ташкилотларининг меърий ҳужжатлари;
- Давлат ҳуқуқларини мукаммаллаштириб боришида дойимий ғамхўрлик олиб боради ва унинг меёрларида халқнинг хоҳиш ва қизиқишлари аниқ ва равшан ёритилишини, суверен Ўзбекистон қуришнинг энг муҳим заруриятларини кўрсатилишини таъминлайди.

Меърий - ҳуқуқий актлар тизимида тўғри йўл топиш, керакли, қонунларни тез ишлаб чиқиш учун ҳамда ҳуқуқий меёрларни мустаҳкамлаш учун кодекс, низом ва ҳарбий низомларни тартибланган акт негизида бирлаштириб ўтказилади.

Шундай актларга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларнинг умумҳарий низомини киритиш мумкин. Мунтазамлаштиришнинг мукамал кўринишларидан бири бу қонунлар тўплами бўлиб, у ўзида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик актларини бирлаштиради.

2. Ҳарбий ҳуқуқ ҳақида тушунча ва унинг Ўзбекистон Республикаси тизимидаги ўрни. Ватан ҳумояси ҳақида.

Ҳарбий ҳуқуқ ҳақида тушунча ва унинг Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тизимидаги ўрни. Ватанни ҳимоя қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида жорий этилган ҳуқуқий меёрларни ўрганиб, шуни таъкидлаш лозимки, улар давлат органлари томонидан ҳар ҳил вақтда ҳар ҳил саволлар бўйича ўрнатилган ва ҳар ҳил юридик кучдаги одатий манбаларда акс эттирилган. Бунинг натижасида бир томондан уларнинг бирдамлиги ва мувофиқлигини таъминлаш зарурлиги келиб чиқса, бошқа томондан амалиёт қизиқишлари уларни аниқ бир жамият муносабатлари гуруҳларига мослаштирган ҳолда дифференция қилиш зарурлигини айтади. Бу икки томонлама масала шундай бир система тизими ёрдамида ечиладики, у ҳуқуқий нормаларни ўзаро мувофиқлаштирувчи характерга эга бўлиб, жамият муносабатларининг муҳим томонларига мос келган ҳолда уларнинг бир бири билан боғлиқ бўлган соҳа ва институтларига ажратиш объектив зарурлигини ўзида ифода этади.

Ҳуқуқнинг соҳа ва институтларга бўлиш ҳар бир жамият муносабатларини аниқ тартибга солишга имкон бериб керакли ҳуқуқий ахборотни қидиришни енгил- лаштиради, бу эса ҳуқуқий буйруқлар ижросини яхши- лашга олиб келади.

Ҳарбий ҳуқуқий қонунлар шундай бошқа давлат актлари тўпламини тақдим этадики, улар ўзида қонунчиликнинг ҳар ҳил соҳа нормаларини акс эттиради ва қуролли Кучлар ҳаётий фаолиятини, бунёдкорлиги ва унда ўрнатилган ҳарбий қонунчиликнинг пойдевор меёрини ташкил этиб, бу меёрлар

ЎР Конституциясининг қуйидаги моддаларида (52, 125, 126) ўз ифодасини топган.

Ҳажм бўйича унинг муҳим қисмларидан бири бу маъмурий қонунчилик, Ҳарбий қасамёд, Ҳарбий низом меёрлари, ҳамда ҳар ҳил даражадаги ҳарбий хизматчиларнинг хизматни ўташ ҳақидаги ва ҳарбий ҳўжалик ҳақидаги қарорлари ва низомлар ҳамда бошқа меёрий ҳарбий ҳуқуқий актлар ҳисобланади.

Ҳарбий қонунчилик таркибига молия, ер, фуқоролик қонун нормалари кириб, улар қуролли Кучлар фаолияти ва таъминоти билан боғлиқ муносабатларни йўлга солади. Шу билан бирга ҳарбий қонунчилик ўзида, жиноий қонунчиликни, ҳарбийларнинг жиноий жавобгарлиги ва қуролли Кучларнинг ўзига ҳос белгиларини ҳисобга олган ҳарбий юстиция органлари фаолиятини йўлга солувчи судхўрлик ва прокурор назорати қонунчилик меёрларини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлари характери ва вазифалари уларга тайинланган функциялар, ҳарбийлар ва ҳарбий бошқарув органлари фаолиятининг асослари, низомлари ва мақсадлари маълум равишда ҳарбий ҳуқуққа таъсир кўрсатади. Бу хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1- Ҳарбий ҳуқуқ давлат ҳаётидаги бошқа соҳаларга қараганда батафсилроқ бўлиб, у ҳарбий муносабатларни йўлга солади;

2- Ҳарбий ҳуқуқ меёрлари, унга кўрсатиладиган қайта қатъийлик билан характерланади;

3- Ҳарбий хизматчилар қайд этилган ҳарбий ҳуқуқларни бузилиши ва бажармаслигига қарши катта жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар;

4- Ҳарбий ҳуқуқ учун шундай манбалар характерлидирки, улар ташкил этган комплекс унинг ядроси ҳисобланади.

Ҳарбий ҳуқуқни уни манбалари билан ўрганиш жуда муҳимдир. Бундай манбалар ичида энг муҳими ва энг етакчиси Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Унинг характерли жиҳати шундаки, у ўзида қуролли Кучлар қурилиши соҳасидаги муносабатларни йўлга қўйиш нормаларини ифода этади. Бунга Ўзбекистон Республикаси. Конституциясининг 26 бобида (“Мудофаа ва ҳавфсизлик”) ўз ифодасини топган 125-126 моддаларни айтиб ўтишимиз мумкин ҳамда Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш-Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқоросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар деган иборалари билан 52-моддани киритиш ҳам мумкин.

Ҳарбий ҳуқуқларнинг бажарилишига умумий ҳарбий низомлар билан бир қаторда яна бир қанча меёрий ҳужжатлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади, булар: ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги, офицерлар таркибининг ҳарбий унвонлари ҳақида қонунда белгиланганлигидир. Ҳарбий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳарбий бошқарув органларини ҳуқуқий актлари етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш қонунда, ҳарбий низомлар, йўриқномалар, меёрий қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ва қуйи ҳарбий бошқарув органларининг қўлланмаларида кўрсатилган.

Таъкидлаб ўтилган меърий актларда ўз ифодасини топган ҳуқуқий меёрлар, ҳамда ҳуқуқнинг анъанавий меёрлари ўзининг йиғиндисидида ҳарбий ҳуқуқни ташкил этади. Шу тариқа ҳарбий ҳуқуқ - бунёдкорлик, ҳаёт, турмуш соҳасидидаги муносабатларни йўлга солувчи, Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларнинг принстип ва шакллари мустаҳкамловчи Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган ҳуқуқий меёрлар йиғиндисидир. Ҳарбий ҳуқуқ шахсий таркиб томонидан хизматни ўташ тартибини, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини аниқлаб беради.

Ўзига хос хусусиятлари эвазига ҳарбий ҳуқуқ меёрлари Ўзбекистон Республикасининг қуролли Кучларини ташкил этиш ва мустаҳкамлашда етакчи рол ўйнайди.

3. Ҳарбий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги ижтимоий роли ва ўрни.

Ҳарбий қурилиш принстиплари. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ташкил этиш соҳасидидаги сиёсат асосида Ўзбекистонни ҳимоя қилиш, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, ҳалқимизнинг тинч – осуда ҳаётини сақлаш йўлидаги меҳнати бўлади. Бу ҳимоянинг муҳим ҳолатлари, ҳарбий қурилиш принстипларида ўз аксини топган.

Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. Ижтимоий-сиёсий асослар ҳарбий қурилишда давлатнинг ўрни, армия ва ҳалқнинг бирлиги, Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳалқлар дўстлиги ва мустақил давлатларнинг дўстлиги.

2. Қуролли Кучларнинг ташкилийлик принстиплари, уларни жангга доимий тайёр туришлари, ҳарбий қурилиш раҳбарликни марказлаштириш, бирдамлик, онгли ҳарбий интизом, қонунийлик, кадрларни уларнинг иш қобилиятига кўра жойлаштириш ўқитиш ва тарбиялаш принстипи.

Ҳарбий ҳуқуқнинг ижтимоий роли - ўзининг нормаларида ҳарбий қурилиш принстипларини мустаҳкамлашда, уларни умумий мажбурий ҳуқуқий қоидалар тизимида қўшилишини таъминлашда ўз аксини топади. Бу ўз йўлида ҳарбий қурилиш принстипларини ҳаётда қўллашга, қўшинни юқори ҳарбий жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган ҳарбий ҳуқуқни кучайишига олиб келади. Ҳарбий ҳуқуқ ҳарбий муносабатларини тартибга солишда муҳим рўл ўйнайди. Армия шундай организмки, у давлат томонидан ўрнатилган ва ҳар доим яшовчи ва тайёр турувчидир.

Ҳуқуқий актлар орқали Қуролли Кучлар турларининг ва ҳарбий ҳаракатларини бошқаришда қўшин турларининг муносабатларини тартибга солишда, муҳим ўринни эгаллайди. Ўзининг ташкилий ва таркибий роли билан ҳарбий ҳуқуқ ҳарбийларнинг жипслашуви ва бирлашувига, уларнинг жанговар маҳоратини оширишга ва қонуний ҳоҳиш ва ҳуқуқларни амалга оширишда ўз таъсирини кўрсатади.

Ҳарбий ҳуқуқнинг юридик асоси.

Ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг юридик асосини ҳарбий ҳуқуқ ташкил этади.

Биринчидан, ҳуқуқда ҳарбий хизматчиларни ўқитиш ва тарбиялаш масалалари, шахсий таркиб фаолиятининг услуб ва шакллари ҳамда воситалари аниқланади.

Иккинчидан, ҳуқуқ ўзида ҳарбий ишларни мукаммаллаштириш ва ривожлантириш натижасида эришилган катта илмий даражадаги бой тажирибаларини гавдалантиради.

Учинчидан, ҳуқуқда қатъий бажарилиши лозим бўлган ташкилий ва ҳарбий -техник қоидалар мажмуи мавжуд.

Ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ҳарбийларнинг ўз билимларини доимий ривожлантириб боришига, ҳарбий соҳадаги ўзгаришлардан хабардор бўлиб туришига ёрдам беради.

Ҳарбий қисмнинг жанговар тайёргарлик даражаси тўғридан-тўғри ҳарбий тактика, ҳарбий хизматчиларни жанговар техника ва қуролларини қай даражада билишларига, уларни тўғри жангда қўллаш ва олган билимларига боғлиқдир.

Ҳарбий ҳуқуқнинг яъна бири шуки, у илмий тавсия ва илғор тажрибани қўшин ҳаёти ва фаолиятига жорий қилиш имконини беради. Илмий техникавий ва қуроллантиришига сабаб бўлади. Бу муоммони илмий томонидан ҳал этиш негизида уларни чуқур ўрганиш ва текшириш, бунёдкорлик тажрибасидаги янги ва йетакчи воситаларни умумлаштириш методи ётади. Давлат ва унинг қуролли Кучларида ишлаб чиқилган янги реконструкцияларни ҳаётга иложи борица тезроқ қўллашга интилади. Буни амалга ошириш учун, бу янги илмий тавсияларни ҳуқуқий нормаларда ўз вақтида акс эттириш лозим.

Илғор тажрибани хизматда қўллаш ҳам шунга мувофиқдир. Жанговар ҳаракатларни олиб боришдаги янги ютуқ ва усуллар норматив актларда ўз аксини топган ҳарбий хизмати ва жамоаларнинг илғор тажрибаси секин-аста ҳарбий-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларининг мулкига айланади.

Ҳарбий тартибни сақлашнинг асосий кафолати бўлиб, ҳарбийларнинг билимлари, низом ва қарорларнинг тўғрилигидаги ишонч ҳисобланади.

Қуролли Кучларда тартиб сақлаш ишларида ҳарбий ҳуқуқий нормалардан кенг фойдаланилади. Уларнинг роли ҳар - хил йўналишларда ўз аксини топади.

Шундай йўналишлардан бири, бу ҳарбий интизом ва тартибга захмат кўрсатувчи ҳаракатларни низом ва меърий актларда таъқиқлаш ҳисобланади. Бундай таъқиқларга ҳарбий хизматни ўташ чоғида ўрнатилган тартибга зид бўлган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонунни мисол қилиб келтириш мумкин. Таъқиқлар қуролли Кучларда тартиб-интизомни сақлашга ёрдам беради.

Агар биз ҳарбий ҳуқуқнинг тарбиявий имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтмасак ҳарбий ҳуқуқнинг ижтимоий ролини тўлиқ тавсифлай олмас эдик. Ўзбекистон Республкаси Конституциясининг моддалари нафақат фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини юридик расмийлаштириш, балки у инсонларни тарбиялашда ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ҳарбий ҳуқуқ ўзининг тарбиявий таъсирини буйруқ ва низомларни ўрганиш ва уларни бажариш чоғида амалга оширади. Ҳарбий ҳуқуқнинг таркиби билан танишув хизматчиларга уларга кўрсатилаётган талабларни қонунийлигини англашга, ҳуқуқий меёрларга асосланган ҳарбий тартибга ҳурмат билан қарашга, ўзлари қилаётган ишининг кафолатлари ишончилигига ишонишига имкон беради. Бу ўз йўлида қуролли Кучларнинг шахсий

таркибини юқори ҳуқуқий билимларини ривожлантиришга, унинг ҳуқуқий маданиятини оширишга, ҳарбий интизомни мустаҳкамлашга олиб келади. Шу билан бирга ҳарбий хизматчиларни уларни ташаббускорлиги, ҳайрати, қаҳрамонлиги ва хизматдаги лойиқ ҳаракати учун тақдирлаш ёки интизомни бузганлар учун жазо қўллаш ҳарбийларда интизом ҳуқуқини меёр талабларига қаттиқ риоя қилишга олиб келади. Охир-оқибат эса ижобий таъсир кўрсатишини таъминлайди.

Ҳуқуқнинг тарбиявий таъсири шуниси билан кучайтириладики, у миллати, илмий даражаси, мансаби, ҳарбий унвонидан қатъий назар барча ҳарбийларга бир хил талаб қўяди, бу ҳарбий жамоани жипслашувига, бошлиқ ва бўйсинувчи орасидаги ишончни, ҳуқуқий буйруқларни онгли равишда бажарилишини кучайишига олиб келади. Бу борада ҳарбий ҳуқуқга боғлиқ бўлган ҳарбий муносабатларнинг регламентация фаолияти ҳам катта рўл ўйнайди. У ҳарбий ҳуқуқларда ҳаракатни умумий жипслашувига олиб келади.

Шу тариқа ҳарбий ҳуқуқга қуролли Кучларни мустаҳкамлаш учун ишлатилувчи воситалар ичида катта ўрин берилади. Армия мураккаб тузилишдаги воситаларга эга, уларнинг ишлатилиши кўпгина воситаларга эга, уларнинг ишлатилиши кўпгина инсонлар ҳаракатининг бирлиги билан боғлиқ бир пайтда ҳуқуқнинг роли айниқса муҳим бўлиб, у ҳарбий хизматчилардан бор ҳуқуқий меёрларни тўлиқ билишни ва уларни керак ҳолатларда тўғри ва аниқ қўлланилишини талаб этади.

Текшириш учун саволлар.

- А) Ҳуқуқнинг моҳияти ва манбалари.
- Б) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Мудофаа ҳақидаги қонуни ва уларни ҳарбий қонунчиликдаги мазмуни"
- В) Ҳарбий ҳуқуқ ҳақида тушунча ва унинг Ўз.Р. ҳуқуқий тизимидаги ўрни.
- Г) Ўзбекистон Республикаси. Конституцияси, ҳарбий қасамёд, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, суверен Ўзбекистоннинг ҳимояси ҳақида.
- Д) Ҳарбий ҳуқуқнинг Қуролли Кучлардаги ижтимоий роли.

Таянч сўзлар.

ҳуқуқ- шахснинг оила ва жамиятдаги ҳуққ нормалари.

Кафолат- таъминлаш, кафолат.

Кодекс-қонунлар тўплами.

Мувофиқлик- таъсирлар, предметлар ва тушунчалар ўртасидаги

Адабиётлар ва қўлланмалар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа ҳақидаги", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги", қонунлари. Ҳарбий қасамёд маътни.
2. "Давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг ҳимоячилари. Ўзбекистон 1995й.
3. Ахметшин Х.М "Ҳарбий қонунчилик ва ҳарбийларнинг ҳуқуқий тайёрлов 1963й.
4. Ҳарбий ҳуқуқ 1984й.

Мавзу-2. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ҳарбий қурилиш масалалари.

Ўқув тарбиявий мақсадлари.

1. Талабаларга ҳарбий қурилиш тўғрисида назарий билим бериш.

Давлат ҳокимияти ва ҳуқуқий органларнинг ваколатлари юзасидан йўлланмалар бериш.

Ўқув саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суверен Ўзбекистонни ҳимоя қилиш республиканинг муҳим функциялардан бири, умумхалқ иши ҳақида.

2. Давлат бошқарув ва ҳукумат органларнинг ваколатлари. Давлат ва жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг бурчлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суверен Ўзбекистонни ҳимоя қилиш республиканинг муҳим функцияларидан бири, умумхалқ иши ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суверен Ўзбекистонни ҳимоя қилиш республиканинг муҳим функцияларидан бири, умумхалқ иши ҳақида.

Халқаро вазиятни тузилиши, терроризм агрессиясини кучайиши ер шарининг турли қисмида локал ҳарбий ҳаракатларни кучайиши Ўзбекистон Республикасидан алоҳида эътибор талаб этиб, унинг халқи хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ўртага ташлайди. Душманларнинг агрессив ҳаракатлари Ўзбекистон Республикасининг чегараларини тинимсиз қўриқлашни талаб этади.

Мамлакат мудофаа қудратини сақлаш борасидаги асосий масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг махсус бобида “Мудофаа ва хавфсизлик” ва Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонунида аниқ баён этилган. Буларнинг баъзилари шу қонунларнинг бошқа боб ва бўлимларида ўз аксини топган бўлиб, бунинг сабаби улар ечилиши комплекс характерга эгадир, чунки ватанни ҳимоя қилиш нафақат мудофаачиликни, балки у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ва “Мудофаа тўғрисида”ги қонунида тўлиқ айтилганидек барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари, лавозимдаги шахслар ва фуқаролар мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ва мудофаа қудратини оширишда ўз бурчларига эгадирлар.

Мамлакат мудофаасини таъминлашда асосий роль давлатга тегишлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида замонавий демократик қурилиш поғонасида Ватанни ҳимоя қилиш соҳасида давлатнинг асосий йўналишлари ва масалалари. Фуқароларнинг тинчлигини сақлаш ва миллат бирдамлигини таъминлаш умумхалқ давлат мақсадларидан ўрин олган, 125-модда шуни айтадики, мамлакат суверинитетини ҳимоя қилиш давлатнинг муҳим функциясига киради. Шу билан бирга қонунчиликда айтиб ўтилганидек, мудофаа масаласи умумдавлат характерига эга бўлиб, умумхалқ иши, яъни барча давлат органлари, жамоат ташкилотлари, лавозимдаги шахслар ва

фукароларнинг бурчидир. Бу албатта яхши, чунки ҳозирги кунда Ватанни ҳимоя қилиш функцияси умумхалқ иши бўлиб қийин тус олган, шунинг учун давлат фаолиятининг барча соҳаларини ичида бўлган ҳолда иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий тадбирларни амалга оширишни талаб этмоқда.

Ватанни ҳимоя қилишда давлат функцияларининг асосий мазмуни-бу агрессия ҳолатида қуроли ҳимоя ва тинчлик вақтида ҳар қандай агрессияга зарбани беришни кафолатловчи қуроли Кучларни доимий жанговор тайёргарликда ушлаб туришдир. Шундан келиб чиқадики, давлат механизмини ажралмас бўлаги бўлмиш Ўзбекистон Республикаси қуроли Кучларига мамлакат мудофаасини таъминлаш жавобгарлиги топширилади. Маълумки, бизга қарши-бўлганлар муҳим ҳарбий кучга эга бўлиб, замонавий жиҳозланган армияга таянади, шунинг учун унинг агрессив интилишларини ушлаб туриш, Ватанимизда ишонарли мудофаани таъминлаш учун фақатгина қудратли замонавий жанговор техника ва яхши тайёрланган армия ёрдамида эришиш мумкин. Албатта бизнинг мамлакатимиз бундай кучларга эга. Ўзбекистон Республикасининг президенти И. А. Каримовни Ўзбекистон қуроли Кучларнинг шахсий таркибига йўллаган мактубида шундай дейди:

“Сизнинг қатъиятлингиз ва ғайратингиз ҳарбий маҳоратингиз эвазига она еримизда ва уйларимизда тинчликни, осмонимизни мусаффолигини ва қалбларимизда осудаликни сақлашимиз мумкин...”

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддаси Ўзбекистон Республикаси қуроли Кучларини яратиш ва умумий ҳарбий муносабатларни ўрнатиш мақсадларини аниқ кўрсатган. Бундай мақсадлар, бу ўзбек халқини, мамлакатни суверинитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишдир. Ички шароитлар нуқтаи назаридан қарасанг Ўзбекистон Республикаси армияга муҳтож эмас. Биз учун армия акупастион мақсадлар учун керак эмас, Ўзбекистон Республикаси қуроли Кучлари ҳеч қачон бегона ҳудудларни эгаллаш учун ишлатилмаган ва ишлатилмайди ҳам. Армияни зарурлиги ташқи шароитларга асосланган бўлиб тўғрироғи ҳақиқатдан бор бўлган агрессив кучларга қарши ҳарбий ҳужумидир.

Қуроли Кучлар билан бир қаторда ватанни ҳимоя қилиш функцияларини бошқа давлат органлари ҳам бажармоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуннинг 1-моддасида кўрсатилгандек давлат мамлакатга хавфсизлик ва мудофаани таъминлайди, республика ва халқнинг тинч ҳаётини ҳимоясини қуроли Кучлар таъминлайди. Маълумки мамлакатнинг мудофаа қудрати ўсувчан бирликда олинган иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-сиёсий ва ҳарбий потенциалига асосланган.

Давлат органининг бурчларига, уларни ваколатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар киради.

Уларнинг шартлари қонунчилик палатаси томонидан ишлаб чиқарилган давлат режаларини ҳаётга қўллашга мўлжаллаган”. Иқтисодиёт соҳасидаги режаларни амалга ошириш, халқ ҳўжалигидаги янги ютуқлар, илм ва техника тараққиётидир. Қуроли Кучларнинг моддий базасини мустаҳкамлаб, уни замонавий қирғин қуроли билан таъминлашга ва стратегик резервларни

бунёд этишга имкон яратади. Халқ ҳаётининг маданий ва моддий-техник даражасини ошириш учун йўналтирилган ижтимоий ривожланиш тўғрисидаги режалар эса потенциалини кучайтиради. Ватанни ҳимоя қилиш функциясини амалга оширишда, давлат органлари давлат хавфсизлигини таъминлаш чора тadbрлари ўтказилмоқда. Душманларнинг қўпоровчилик фаолияти ва уларнинг агентуралари билан кураш, давлат чегараларини қўриқлашда давлат ва ҳарбий сирларини сақлаш, фуқароларни муҳофаза қилиш, халқ ҳўжалигини ва халқни ҳужум пайтида ҳимоя қилиш, аҳолини маънавий-руҳиятини ошириб, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир.

Ватанни ҳимоя қилиш функцияларини амалга оширишнинг асосий шarti бу мудофаа ишларида жамоат ташкилотларини, бутун халқни иштирокидир. Мамлакат хавфсизлигини таъминлаш уни мудофаа қудратини оширишда фуқароларни ва жамоат ташкилотларини бурчлари асосий қонуннинг 8,16,17 моддаларда аниқланган ва Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни ва жамоат ташкилотларининг низомларида Конституцион асосида белгиланган. Ватанни ҳимоя қилиш бутун Ўзбекистон халқининг вазифаси ва ватанни ҳимоя қилиш жуда муҳим ва биринчи қарзимиздир. Халқнинг ўз мамлакати мудофаасига бўлган бундай муносабати суверен-демократик давлат учун ҳосдир. У синфий жамиятни ҳисобга олмайди, у ҳамма учун бир хил вазифадир. Бунда мудофаа қудратини белгиловчи энг муҳим белгилар бу қуролли кучларнинг жанговор қудратидир.

Ватанни ҳимоя қилишнинг умумхалқ характери, қуролли Кучларни қуришда меҳнат қилувчиларнинг фаол қатнашувида ўз аксини топади. Армия халқ томонидан тузилган ундаги ҳарбий хизматчилар халқимизнинг бир қисмидир ва халқ уни замонавий қуроллар ва жанговор техника, ёқилғи, озиқ-овқат ва бошқа моддий ашёлар билан таъминлашда ҳеч нарсани аямайди.

Мамлакатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўз хоҳиш истакларини ҳаётга қўллаш ва амалга оширишда, халқ Олий Мажлис ва шу каби органлардан фойдаланади. Ўзининг давлат ҳукуматининг Олий органларига сайланган кишилари орқали халқ мамлакат хавфсизлиги ва ҳарбий бунёдкорлик соҳаларидаги масалаларини ечишда иштирок этади.

2. Давлат бошқарув ва ҳукумат органларнинг ваколатлари. Давлат ва жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг бурчлари

Давлат бошқарув ва ҳукумат органларининг ваколатлари. Давлат жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг бурчлари. Мамлакатимиз мудофааи уридан давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган Олий Мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари асосида амалга оширилади. Бунинг асосида сиёсий, иқтисодий ҳарбий ҳукмронликнинг бирлик принстипи ётади. Бу органларнинг ваколатларига мамлакат хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа қудратини ошириш, унинг мудофаа потенциалини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси мудофааида ҳарбий қурилишнинг муҳим йўналишларини аниқлаш бўйича масалаларни кўриб чиқиш ва ечиш киради. Бу ерда муҳим ролни Президент ва Олий Мажлис томонидан тузилган Мудофаа кенгаши ўйнайди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси давлат ҳукуматининг юқори органи сифатида шу хусусида Ватанни ҳимоя қилиш масалалари бўйича ҳам кўп ваколатларга эга. Фақатгина у Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиши ва унга ўзгартиришлар киритиш ва шу билан боғлиқ ҳолда мамлакат мудофааси конституцион қонунларини аниқлаштириши мумкин. Бу соҳада Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 76,78-моддасига биноан катта ҳуқуқларга эга.

У уруш ва тинчлик даврида мамлакат мудофаа ташкилотларини республика суверенитетини ҳимоя қилиш, унинг давлат чегара ва ҳудудини қўриқлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилади ва бу қарорларини Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг бошқаруви ёрдамида амалга оширади.

Давлат бошқарув ва ҳукуматининг юқори органини функсияларини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат мудофаа соҳасида катта ваколатларга эга (89, 93, 94-моддалар). Керак пайтларда у жорий қонунчилик актларига ўзгартириш киритиши мумкин, шу ўринда мудофаа ва ҳарбий бунёдкорлик масалалари бўйича ҳам у ўзгартиришлар киритиб, буни Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида тасдиқланишга қўяди. Ватанни ҳимоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколати. Ўзбекистон Республикаси Президенти шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучларининг олий бош қўмондони ҳамидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистонда ҳарбий ҳужум ҳолатида ёки агрессияга қарши халқаро шартномаларни мудофаа шартларини бажаришда уруш ҳолатини эълон қилади. Мамлакат муҳофазаси учун Президент тўлиқ ёки қисман сафарбарлик эълон қилаши ҳам мумкин. Сафарбарликка чақириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг буйруқлари асосида амалга оширилади. Президент ваколатларига яна ҳарбий қўмондонликни тайинлаш ёки ўзгартириш, Ўзбекистон Республикаси армия генераллари, генерал полковникларга ҳарбий унвонларни тайин этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис билан биргаликда умумҳарбий низомлар, ҳарбий қасамёд матни ва уни қабул қилиш низоми, ҳарбий қисмнинг жанговор байроғи ҳақида низомларни қабул қилади. Уларнинг ваколатларига яна ҳарбий хизматчиларнинг давлатга етказган зарарини моддий жавобгарлигини белгилаш, Қуролли Кучларда судлар ҳақида низомни тасдиқлаш, орден, медал ва уларни тасдиқлаш кабиларни киритиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (98-модда) давлат хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа қудратини белгилашда катта ўрин, кўп ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўрсатилади, уни Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ва бошқарувчи орган бўлиб, давлат бошқаруви органлари тизимини идора этувчисиدير.

Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳадаги бошқарув қонунларини, Олий Мажлис қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг буйруқ ва қарорларини ижро этилишини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқарувидаги ҳамма масалаларни ечиш ваколатига эга, у мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, давлат чегараларини қўриқлаш чора-тадбирларини қабул қилади, Қуролли Кучлар бунёдкорлигида умумий бошқарувни олиб боради, ҳарбий хизматни ўташ ёшига етганларни

умумий йиллик сонини аниқлайди, бошқа Вазирликлар ва маҳкамалар каби. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини йўналтиради ва улар томонидан чиқазилган актларни бекор қилиши мумкин, зарур пайтларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида комитетлар, бош бошқармалар ва бошқа муассасаларни ташкил этади, шу ўринда мудофаа қурилиши ишларида ҳам у Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар муҳофазасини умумий бошқаради, давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларни керакли бурчларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳарбий бошқарув марказий органларининг функциялари тузилиши ва ваколатларини аниқлайди, сержантлари, офицерлар таркиби томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартибини ўрнатади: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига биноан Олий ва Ўрта Махсус ўқув масканларининг ҳисобини тузиб, уларда ўқиётган чақириқ ёшига етган йигитларга ўқишни давом эттириш учун чақирув муддатини кечиктиради, зарур ҳолатларда бошқа сабаблар туфайли муддати суриладиган фуқаролар рўйхатини тузади. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунда назарда тутилганлардан ташқари чақирив ёшидаги ёшлар ичидан профессионал-техник таълим ва “Ватанпарвар” тизимида тайёрланиши лозим бўлган мутахассислар сонини белгилайди.

Мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш яна бюджет соҳасида узоқни кўзлаган ва жорий режаларни ишлаб чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакат мудофаа эҳтиёжларини қондиришни кўзда тутди. Унинг ваколатларига офицерлик таркиби, сержантлар, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини нафақа билан таъминлаш тартибини ўрнатиш, генералларни ҳарбий унвонини бериш (генерал-полковникларгача, у ҳам киради), офицерлик таркибидаги шахсларни қонунда кўрсатилган бўйича ҳарбий унвондан маҳрум қилиш (армия генералидан ташқари) кабилар киради. Ватанни ҳимоя қилиш функциясини амалга ошириш жараёнида давлат ҳукумати ва бошқарувининг олий органлари қарамоғида маҳаллий ҳокимиятлар ва уларнинг ижро қўмиталари қатнашадилар. Бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунчилик актлари уларга алоҳида ўрин ажратади.

Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунни барча лавозимдаги шахслар, фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан бажарилишини барча вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ ҳокимият органлари таъминлайди. Улар ҳақиқий ҳарбий хизматдаги фуқароларнинг буйруқ ва илтимосларини амалга оширишда мудофаа ҳарбий органларига ҳамкорлик қиладилар, уларни жиҳозланган чақирув йиғин жойлари билан таъминлайдилар, чақирув комиссиясига етарли миқдорда шифокор ва техник ишчиларни ажратадилар, фуқароларни чақирув ва ёзишга келишларини ташкил этадилар. Маҳаллий ҳокимиятлар Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан демобилизастия қилинган ёки захирага ўтказилган фуқароларга, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган ва ҳалок бўлган ҳарбийлар оилаларига имтиёз ва нафақаларни тўғри ва ҳаққоний бўлишини назорат қиладилар. Улар

бошқа мудофаа вазифаларини бажаришда қуролли Кучларга резервларни тайёрлаш чора-тадбирларида ёрдам кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонунни бажарилишида юзага келадиган жавобгарлик вазифалари тўғридан-тўғри корхона, муассаса, ташкилот ва ўқув масканлари раҳбарларига, ички ишлар органларига, маҳаллий қўмиталарга тиббий-эксперт комиссияларига, фуқаролар мол-мулкани мусодара этиш органлари зиммасига юклатилади.

Мамлакатни хавфсизлигини ва мудофаасини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ечишда судлов ва прокуратура органлари катта роль ўйнайди. Улар ўз фаолиятлари билан мамлакатда тартиб ва қонунийликни ўрнатадилар, хавфсизликни таъминлаш учун кураш олиб борадилар, мудофаа ва ҳарбий қонунчилик масалаларида тўлиқ қонунга риоя қилишни таъминлайдилар, ҳарбий интизомни ва Қуролли Кучларнинг жанговор тайёргарлигини ушлаб туриб, ҳарбий хизматни ўташ тартибини ўрнатадилар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мамлакатимизда хавфсизликни таъминлашда жамоат ташкилотларига маълум вазифаларни юклайди. Бу ташкилотларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлар асосида тайин этилган.

Ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, улар орасида ҳарбий билимларни ёйишда, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва фуқароларни муҳофазаси бўйича тадбирларни амалга оширишда жамоат ташкилотлари билан бирга касаба уюшмалари ҳам муҳим роль ўйнайди. Касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, ёшларни оммавий мудофаа ишларига жалб қилишга катта эътибор беради.

Ўзбек халқини мамлакат мудофаасига тайёрлашда “Ватанпарвар” жамияти муҳим ўрин эгаллайди. У ўз аъзоларини оммавий мудофаа ишларида қатнашишини таъминлаб, уларни ватанпарварлик ва Ватанни ҳимояси учун доимо тайёр туришлик руҳида тарбиялайди, аҳоли орасида ҳарбий билимларни кенг тарғибот қилишда катта роль ўйнайди, мамлакатда спортнинг ҳарбий-техникавий турларини ривож топишига таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси қонунининг 16-моддасига биноан “Ватанпарвар” ташкилоти Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлари учун мутахассисларни тайёрлайди.

Ҳозир жамиятимизда ўтказилаётган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маданий ислохотлар туфайли мамлакатимиз мудофаасида халқ оммасининг роли каттадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида айtilганидек (52-модда) Ватан ҳимояси умумхалқ иши ҳисобланади.

Ватанимизни агрессияга қарши курашида фуқароларни қатнашуви жуда муҳимдир. Конституциямизга биноан Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматни ўташ бу фуқароларнинг фаҳри бурчидир. Ватанни ҳимоя қилишдаги муқаддас қарзларни бажарилишининг муҳим кўрсаткичларидан бири бу фуқароларни (тинчлик ва уруш даврида) фуқаролар муҳофазасида қатнашуви ҳисобланади. Корхоналарда, ташкилотларда, ўқув масканларида фуқаролар муҳофазасига олинган аёллар ва эркаклар махсус тайёргарликдан ўтишлари, ўрнатилган норматив топшириқларни топширишлари, ўқув машқларида қатнашишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суверен демократик мамлакатни ҳимоя қилиш ҳақидаги низоми нафақат Ўзбекистон мудофаасининг ҳуқуқий базаси, балки фуқаролар учун Ватан ҳимояси муқаддас бурч эканлигини англаб етишларида муҳим восита ҳам бўлиб ҳисобланади. Жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг мамлакат мудофаа қудратини ошириш учун бўлган доимий ва ҳар томонлама ғамхўрлиги, одамларнинг давлат салоҳиятини ошириш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ҳаракатлари демократик жамиятнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Текшириш учун саволлар:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суверен давлатни ҳимоя қилиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги қонуни.

Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги қонуни. Юқори давлат ҳукумат органлари, Олий Мажлис ваколатлари ва уларнинг бошқаруви. Маҳаллий органлар ваколатлари - ҳокимиятлар ва бошқармалар. Ватанни ҳимоя қилишда фуқаро ва жамоат ташкилотларининг бурчлари.

Таянч сўзлар:

Агрессия - бир ёки бир неча давлатларнинг бошқа давлатга қуролли ҳужуми.

Терроризм - жисмоний зўравонлик, қотиллик

Реализация - амалга ошириш

Норматив - норма, чегарани таъминловчи қоидалар тўплами.

Адабиёт ва қўлланмалар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

2. “Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, Ўзбекистон. Республикасининг қонунлари.

3. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлар-ининг ташкил топганлигини 3 йиллигига Бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқи.

4. Р. И. Аҳмедов. “Ўзбекистон Республикасининг қуролли Кучлари-тинчлик ва барқарорлик кафолати”.

Мавзу-3: Аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибининг ҳарбий хизмати.

Ўқув ва тарбиявий мақсадлари:

- 1.Талабаларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятларининг асосий хусусиятларини очиб бериш.
- 2.Талабаларга Қуролли Кучларда мажбурий хизматни аскарлар ва сержантларнинг ҳарбий хизматни амалга ошириш умумий қоидалари билан таништириш.
3. Шартнома асосида офицерларни ҳарбий хизматни ўташларининг умумий тартиби билан таништириш.
4. Ватан ҳимоячиларининг мутахассислигида қизиқишини тарбиялаш.

Ўқув саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятлари тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, жамланиш, муддатли ва ҳарбий хизматни аскарлар ва сержантлар томонидан ўташ тартиби.
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шартнома асосида хизмат қилувчилар ҳамда офицерлар таркибининг ҳарбий хизматлари.

Умумий ҳарбий мажбурий хизмат фуқаролар учун, мамлакатимиз муҳофаази учун катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини доимий жанговор тайёргарлигини мустаҳкамлашда катта ўрин тутди. Давлатнинг аҳолининг тинч ҳаётини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида ўрнатилган умумий ҳарбий мажбурият, фуқароларни Конститутцион ҳуқуқлари асосида ҳарбий ўқув ва давлатни ҳимоя қилиш ишига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг таркибини тўла шаклланишини таъминлайди. Унинг ижтимоий-аҳамияти ватанимизни ҳарбий муҳофаачиларини ҳар қандай душманга жавоб бера оладиган Қуролли Кучлар таркибини ташкил этувчи ватан ҳимоячиларини тайёрлашдан иборатдир. Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларнинг конституцияси мажбуриятлари орасида етакчи ўринда туради. Бу ҳозирги замонда Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган баъзи душманчилик қарашларининг моҳияти ва уларнинг ҳарбий стратегик мувозанатини ўзгартириб йўналишларига жанговар тус беришлари, бошқа мамлакатлар томонидан бўлиши мумкин бўлган таҳдидлар билан асосланади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўз муҳофаа қудратини ва муҳофаа қобилиятини мустаҳкамлаши ва Республикаимиз аҳолисини тинч меҳнат ва беҳавотир ҳаётларининг ҳимоясини таъминлаш учун жуда муҳимдир. Мамлакатимизни ҳар жиҳатдан мустаҳкамланишида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52,125,126 моддаларида кўзда тутилган умумий ҳарбий мажбурийлик фуқаролар мажбурийлигини аниқлаштириш ҳақидаги қонун катта аҳамиятга эга. Масалан: Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳар бир ўсмир белгиланган ёшга етганда чақириққача тайёргарлик, ўз вақтида

чакирув ҳарбий бўлинмасида рўйхатдан ўтиши шартдир. Ҳарбий техник мутахассисликлар бўйича ўқиши шунингдек мудофаа ишлари бўлими бошлиғи буйруғига асосан кўрсатилган муддатда чакирув комиссиясига етиб келиши шарт. Қуролли Кучлар қаторида ҳарбий хизматчилар ҳарбий қасамёд талабларини бажаришга мажбур. Буйруққа асосан ҳар доим ватан ҳимояси учун тайёр туриши шарт. Қуролли Кучларда мажбурий тартибда хизматни ўтаб захирага бўшатишга ҳарбий хизматга мажбурлар ўзларининг ҳарбий малакаларининг сақлаб туришлари ва ҳарбий тайёргарликни ўқув текширув машқларида такомиллаштириб боришлари шарт. Умумий ҳарбий мажбурият турли ҳуқуқий шаклларда амалга оширилади. Улар давлат томонидан ўрганилиб, қуролли Кучлар сафида ватанни ҳимоя қилишга қатнашишда фуқароларнинг умумий ҳарбий тайёргарлик тизимини ўз ичига олади.

Ҳозирги замонда амал қилувчи қонунчиликка биноан, умумий ҳарбий хизмат мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун ўсмирларни чақириққача тайёргарлиги ва мутахассисларни тайёрлаш;

- ҳарбий хизмат - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳақиқий ҳарбий хизмат ва захирадаги хизмати.

- Муқобил хизмат - халқ хўжалигининг бирор соҳасида хизмат қилиш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун ўсмирларни чақириққача тайёргарлик ва чакирув ёшида улардан ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ишлари, ҳарбий хизматчиларни муҳим ҳарбий-техник билимлар ва амалий малакаларини эгаллаш мақсадида, ҳақиқий муддатли ҳарбий хизмат даврида эса қисқа муддатда ҳарбий мутахассисликни эгаллаш учун ўтказилади.

Фуқароларнинг умумий мажбуриятини амалга оширишнинг асосий ва фаол шакллари Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси 52-моддасида белгиланган ҳарбий хизматдир. Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг Конститутцион бурчидир. Унинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси ва қонунларидан келиб чиқиб, умумий ҳарбий мажбурият, ҳарбий қасамёд, муҳим ҳужжатлар ва бошқалар ҳақидаги қонунлардан ташкил топган. Ҳарбий ҳуқуқий ҳужжатлар тинч даврда ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларни доимий жанговар тайёргарлигини таъминлашга йўналтирилган меҳнатдир. Шунингдек уруш вақтида ватанни қуролли ҳимоя қилиш демакдир. Ҳарбий хизмат давлат хизмати бўлиб унга барча демократик асосдаги тамойиллар, давлат хизмати учун характерли бўлган хусусиятлар хосдир. Шунинг билан барча Қуролли Кучларни ташкил этишда алоҳида хусусиятларга ҳам амал қилади. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ бизнинг давлатимизда ҳарбий хизматни фақат Республикамиз фуқароларигина ўтайдилар. Бошқа давлат хизматлардан фарқлироқ фуқаролар амалдаги ҳарбий хизматга қадам кўяр экан ҳарбий қасамёд қилишга мажбурдирлар. Олий Мажлис томонидан тасдиқланган ва қабул қилган матн асосида қасамёд қиладилар. Ушбу ҳужжатнинг ҳуқуқий аҳамияти, ҳарбий хизматчиларни давлат манфаатлари ва мустақиллик учун муносиб ҳимоячилари бўлишининг мажбуриятини оладилар ва уни мардона ва аъло даражада бажариш учун командир ва бошлиқлар буйруқларини хатто ўз ҳаётлари учун ҳавфли бўлган тақдирда ҳам бажарадилар. Ҳарбий хизматнинг алоҳида хусусияти шуки, ҳарбий

хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларга ҳарбий унвонларнинг берилишидир.

Ҳарбий унвонлар берилишида ҳарбий хизматга бўлган муносабат, вазифаларини аниқ ва жиддий бажарилиши ҳисобига олинади. Ҳарбий унвонларсиз буйруқларнинг бажарилиши ва ҳаётда ягона ҳарбий бошқарув яни супординастия билан амалга оширилади. Ҳарбий мажбуриятларни бажарилиши жараёнида барча ҳарбий хизматчилар ҳарбий интизом талабларига бўйсунадилар. Фақатгина Қуролли Кучларида сўзсиз ҳарбий буйруқларни бажариш тамойли ҳуқуқий белгилаб қўйилган. Командир ва бошлиқнинг буйруғи қўл остидагилари учун қонундир. Буйруқ сўзсиз муддатида бажарилиши шарт. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари, интизом низоми 6-моддаси. Буйруқни бажармаслик ҳарбий жиноят ҳисобланиб айбдорлик иши судда, ҳарбий требуналда кўриб чиқилади. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти, турмуши ва фаолияти ҳаётининг ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинади. Шу сабабли ҳар қандай вазиятда юқори даражада интизомийлик таъминланади. Ҳарбий хизматнинг бу хусусияти ҳарбий қурилишнинг етакчи тамойили бўлиб, ягона бошқарув ва ҳарбий бошқарувни марказлаштирилиши тамойиллигига асосланади. Давлатимизнинг мудофаа қудрати қуролланган кучларни доимий жанговар таёргарлигини мустаҳкамлашда кўпинча ҳарбий қурилиш ишларини бажарилишини талаб қилади. Бунинг учун махсус ҳуқуқий шакллариға фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятини бажариши шаклий муқобил хизмат ҳарбий қурувчилар сифатида амал қилади. Бугунги кунда ҳарбий қурилишсиз ҳеч қандай мудофаа объектлари иншоатлари бунёд этилмайди. Бу хизмат билан давлатимизнинг ижтимоий сиёсий ривожига катта ҳисса қўшадилар, умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси Конститутциясида мустаҳкам белгиланган.

2. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолатлари жамланиш ва муддатли ва ҳарбий хизматни аскарлар ва сержантлар томонидан ўташ тартиби.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий мажбуриятларини амал қилиш ҳарбий соҳани ўқиш, ҳарбий хизматни Қуролли Кучлар сафида ўтаб мустақил давлатимизни аҳолисини тинч меҳнат ва мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишдир.

Ҳарбий хизматчининг конситутцион ҳуқуқ ва мажбурияти Ўзбекистон Республикаси қонунларида аниқлаштирилади, ривожлантирилади ва тўлдирилади.

Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида ҳарбий хизматчиларнинг умумий мажбуриятлари ҳарбий унвонидан қатъий назар лавозимга бириктирилган тенг меъёрдаги мажбуриятлар киради улар Қуролли Кучларнинг низоми 1-5 моддалари ва ҳарбий қасамёд матнида баён қилинган. Ҳарбий хизматчилар учун зарур бўлган умум фуқаровий мажбуриятлардан давлат манфаатларини ҳимоя қилиш. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига амал қилган ҳолда давлат қудрати ва обрўсини мустаҳкамлаш каби меъёрий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси асосий қонунининг 52-125-126-моддаларидан олинган ҳарбий хизматчи ўз ватанининг ҳимояси учун шахсий маъсулиятига жавобгардир. У ўз кучи ва ҳаётини ҳарбий бурчини бажариш

учун аямайди. Бироқ душман устидан ғалаба қилиш учун фақатгина жасурлик ва мардликнинг ўзи етмайди. Жангни ғалаба билан тугатиш учун барча жанговар сифатларига эга бўлиши керак. Бунинг учун ўзида шахсий интизомийлик, зийраклик сифатларни шакллантириши керак. Командирга сўзсиз бўйсунниши ўз ҳарбий билимларини такомиллаштириш ҳарбий курол бошқа жанговар мулкни эҳтиёт қилиши керак. Ҳарбий хизматчилар қасамёдини ва ҳарбий мажбуриятларини бажаришлари шарт. Бу умумий мажбуриятларни бузганлар ҳарбий қонунчиликка асосан интизомий, моддий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳарбий хизматчилар бошқа фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларидан фарқли равишда қонунчиликда кўзда тутилган ҳарбий хизмат шартларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқ ва эркинликларга эгадирлар. Барча ҳарбий хизматчиларга умумий бўлган ҳуқуқлардан моддий таъминот бўлиб, ҳарбий хизматчиларни турли табиий, мулкӣ, озиқ-овқат, уй-жой, ва пул таъминоти, шунингдек табиий имтиёзли таъминот ва савдо турмуш мулкларини, ўқиш-таълимига алоҳида ҳуқуқ ва дам олиш ҳуқуқи, тақдирланиш ҳуқуқи, таклиф, ариза ва шикоят қилиш, давлат томонидан таъминланиш (захирага бўшатиш ёки истеъфога чиққанда) каби имтиёзларга эга. Улар Ўзбекистон Республикаси қонунлари, умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонун, ҳарбий устав (низом) ва махсус ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгилаб қўйилган.

Умумий ҳуқуқлар шахсий ҳарактерга эгадир. Улардан ҳарбий хизматчилар фойдаланадилар, бироқ ҳарбий унвонга биноан ва ҳар бир шахснинг ҳолатига кўра амалга оширилади. Унвони ва ҳолатига асосан ҳарбий кийим ва уни кийиш қоидалари моддий ва пул маблағлар (рағбатлантириш тизими асосида) уларни имтиёз сифатида берилиши мумкин, таълим ва дам олиш ҳуқуқининг тартибини амалга ошириш, нафақа ва ёрдам пулларнинг тайинланиши ва бошқалар лавозим вазифалари ва қоидаларига ҳарбий хизматни амалга оширишда белгиланган иш ҳажми ва лавозим ҳуқуқ ва вазифаларига кирувчи ишлар киради.

Лавозим мажбуриятлари ва ҳуқуқлари умумий ёки аниқ иш юзасидан (масалан: бригада, баталён). Улар ҳарбий уставга биноан ҳарбий хизмат, раҳбарлик кўрсатмалари мазмунида ифодаланади.

Жумладан командир ва бошқа бошлиқлар умумий мажбуриятга ҳарбий низомнинг (72-89 моддаларига) 3 бобда белгилаб қўйилган лавозимли шахслар мажбуриятларини аниқ турлари, аскар ва матросларнинг мажбуриятлари аниқ турлари, аскар ва матросларининг мажбуриятлари 3 боб (90-160-моддалар)да белгилаб қўйилган.

Лавозим мажбуриятлар ва лавозим ҳуқуқлари мувофиқлаштирилган бўлади. Барча бошлиқлар интизом талабларига мувофиқ қўл остидагиларга нисбатан ҳуқуқларга эгалар. Улар ўз тасарруфлари, ҳуқуқларига асосан қўл остидагиларга турли рағбатлантириш ёки жазо чораларини, қонуний асос бўлганда қўллашлари мумкин. Командир ва бошқа бошлиқлар ўз қўл остидагиларга буйруқ бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматчиларнинг хусусий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари вақтинчалик ҳарактерга эга. Баъзи бирор буйруқ ёки кўрсатмаларни фақат хизмат фаолияти вақтидигина бажариш мажбуриятдир. Улар ҳарбий хизмат топшириқлари ва уларни бажариш доимий ва кундалик ишлар таркибига

кирувчи эгаллаб турган лавозим мажбурият ва ҳуқуқларидир. Уларга бир кечакундуз давомида берилган наряд, текширишга тайинланган шахслар, йўриқчилар ёки давлат комиссияси (масалан, имтиҳон хайъати), ҳарбий эшелон ва бошқа шахслар мажбурият ва ҳуқуқлари киради.

Шундай қилиб, ҳарбий ҳизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, биринчидан фуқаровий (бунда фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг ҳамма учун умумий бўлган), ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иккинчидан Қуролли Кучлар махсус хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳарбий хизматнинг алоҳида ўзига ҳос шароитларидан ва учинчидан ҳарбий хизматчилар хизмат даражаси ва ҳарбий унвонидан келиб чиқиб, тўртинчидан эса эгаллаб турган лавозими мажбурият ва ҳуқуқлардир.

Қуролли Кучлар таркибининг тўлалиги давлат томонидан ўрнатилган ва ҳарбий ҳуқуқ тузиш меъёрлари билан бошқарилувчи армиянинг тўлдирилиб бориш, чегара ва ички қўшинларнинг, ҳарбий хизматга алоқадор шахсий таркиб ва ҳарбий ҳолатлар ҳарбий таълим олувчилар билан таъминланиб борилиши тушунилади.

Ҳарбий хизматни тўлдириш усуллари- бу Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини тўлиқ шакллантириш усуллари фуқароларни амалдаги ҳарбий хизмат тартиби бўйича ўрнатилган қонунларга биноан олиб борилади. Доимий мажбурий хизматга аскарлар ва ўз хоҳишига кўра шартнома асосида офицер ва муддатдан ташқари ҳарбий хизматларга аёллар олинади.

Қуролли Кучларни тўлдириш тартиби ҳарбий хизматчиларнинг барча даражадагиларни мажбурий ҳарбий хизматга чақириш билан амалга оширилади. Ҳарбий хизматни Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги ҳужжатлар асосида

Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари учун ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, чақириққача таёргарлик ва ёшларни умумий саводхонлигини ошириш жисмоний ривожланиш ва доимий соғломлаштириш тадбирлари билан олиб борилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун умумий ҳарбий хизматга чақириқ ўрнатилган тартиб асосида эркак жинсидагилар учун 18 ёшдан қилиб белгиланган. Бу ёшга қадар ўсмирлар қоидага мувофиқ ўрта маълумот ва жисмоний ривожланиш бўйича ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш бўйича таълим оладилар. Қуролли Кучларнинг шахсий таркибини ахлоқий сиёсий жихатдан ва жисмоний ҳолатига кўра талабига жавоб берган шахслар билан тўлдириб борилади. Чақириқ ёшидаги ўсмирлар танлов асосида вақтинчалик ёки доимий ҳарбий хизматдан озод қилинади ёки муқобил хизматга, сафарбарлик захирасидаги хизматга тайинланади.

Чақириқ ёшдаги шахсларни танлови даврида чақирув муддатини вақтинча чўзиш ёки озод қилиш кўзда тутилган. Муддатни чўзиш ёки озод қилишда айрим ҳолатлар назарда тутилади.

Ҳарбий хизмат муддатини чўзиш «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (12.12.2002 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси. № 437-11 қарори 10-сессия) қонунга асосан қуйидаги ҳолатларда амалга оширилади.

А) оилавий шароитга кўра қонуннинг 17-моддасида белгиланган асосда чақирув муддати 27-ёшгача чўзилади.

Б) таълимни, ўқишни давом эттириш учун – қонуннинг 21-моддасида белгиланган тартибда;

В) соғлигининг ҳолатига асосан- ўсмирнинг соғлиги вақтинчалик яроқсизлиги сабабли, амалдаги ҳарбий хизмат касалликлари бўйича (қонуннинг 21-моддаси) муддат чўзилади.

Бундан ташқари қонуннинг 22-моддасига биноан амалдаги ҳарбий хизматга ўз эътиқодига кўра, бирор диний ташкилотдан рўйхатга олинган ўсмирлар чақирилмайди.

Қонуннинг 5-моддасига асосан муддатли ҳарбий хизмат 12 ой. Олий маълумотлиларга эса 9 ойдир . амалдаги ҳарбий хизмат муддати муҳофаа органларига ҳарбий қисмларга жўнатиш учун келган кундан ҳисобланади. Ҳарбий хизматнинг тугатилиш куни ҳарбий қисм командирининг шахсий таркибнинг захираларга бўшатиш ёки истъефога чиқариш бўйича буйруғига асосан амалга оширилади.

Армияда сержант старшиналарнинг ҳарбий хизмати ўрнатилган тартибга мувофиқ ўқув юртининг тугалланган курсантларга сержант Старшиналарга ўқув дастурини бажарганлигидан сўнг шунга мувофиқ ҳарбий унвон ва ўқув давомида ўқишда яхши ва аъло кўрсаткичлари учун намунавий интизоми учун берилади. Қуролли Кучларда захирага ҳарбий хизматчиларнинг бўшатилиши қонунда ўрнатилган тартибда доимий муддатли ҳарбий хизматдан аскарлар, сержант , старшиналар 45 ёшга тўлган шахслар бўшатилади. Ҳарбий кучлар захиралари 2 тоифага бўлинади.

Тоифа- 12 ойдан кам хизмат қилмаган ҳарбий хизматчилар.

Тоифа-9 ойдан кам хизмат қилмаган ҳарбий хизматчилар. Икки тоифа захирасига ҳарбий хизматчилар ҳарбий мутахассислик ҳисоботида ўз фуқаролик мутахассислигига мувофиқ 1-чи тоифа захирасига ўтказилади. 1-ва 2 тоифа захиралари ёш кўрсаткичига кўра 2 турга:

	1-разряд	2-разряд
солдат ва сержант	35 ёшгача	45-ёшгача
кичик офицерлар	35ёшгача	45 ёшгача
катта офицерлар	45 ёшгача	55 ёшгача
генераллар	50 ёшгача	60 ёшгач

Захирадаги ҳарбий хизматчилар ўқув йиғинларига қонуннинг 32 - моддасига мувофиқ қоида асосида чақирилади

Қуролли Кучларининг махсус командирлари ва ҳарбий мутахассислигига кўра офицер ёрдамчилари бўладилар.

Қоидага асосан ҳарбий тайёргарликдан ўтган ҳарбий мутахассисни такомиллаштирилган шахслар 5 йилдан кам бўлмаган муддатга шартнома асосида офицерлик унвонини олмаган ҳарбий хизматчилар бўладилар. Юқори лавозимига 35 ёшгача ахлоқий тарбиявий , қатъий интизомли ўрта ва оилий маълумотли шахслар тайинланади. Улар Қуролли Кучлар турларига мувофиқ ҳарбий таёргарликдан ўтган бўлишлари шарт .

Ҳарбий хизматнинг давомийлиги қонунларга мувофиқ белгиланади. Шартнома асосида хизмат қилувчилар лавозимига 40 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар 5-йил муддатга тайинланади. Тинч вақтларда ҳарбий унвони

аскарлар ва старшиналар, улар ўрта махсус ўқув юртини, техник мактабларини тугатгандан сўнг берилади.

Шунингдек, олий ўқув юртини тугатган, олий маълумотли ва ўрта маълумотли ҳарбий мутахассисликка яқин бўлган шахслар тайинланади.

5 йил ва ундан ортиқ хизмат қилган ёки сержантлар тайёрлаш мактабини тугатган ҳарбий хизматчилар взвод старшинаси лавозимига тайинланиши мумкин. Шартнома асосида хизмат қилувчиларни ҳарбий хизматдан бўшатиш қуйидаги асосларда амалга оширилади: ўрнатилган муддат тугагандан сўнг, ёшига етганда, соғлиги туфайли, штат қисқариши сабабли ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда, лавозимига нолойиқ деб топилганда, ҳарбий хизмат унвонидан айрилганда, жиноятга кўра суд қилинганда бўшатилади, уларнинг бўшатирилганлиги ўрнатилган тартибда қарор қабул қилиш билан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари шартнома асосида хизмат қилувчилар, офицерлар таркибининг ҳарбий хизматлари.

Шартнома асосида хизмат қилувчилар ҳарбий хизматини ҳақиқатда яқунлаши.

Ҳарбий қисм шахсий таркибдан ўчириш ҳақидаги буюруқ билан амалга оширилади. Офицер унвонларига имтихонлари асосида таъсис этилади. Қуrolли Кучлар таркибини кадрлар билан тўлдиришда Ўзбекистон Республикаси қонуннинг 23-моддасига асосан тинчлик даврида захирадаги офицерлар таркибидан тўлдирилади. Офицер таркиби ҳарбий хизмати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг умумий ҳарбий мажбуриятидаги ва Қуrolли Кучларнинг офицер сифатида ҳарбий хизматни ўташ бўйича кўрсатмаларига асосан бажарилади. Қонуннинг 16-моддасида ҳарбий хизматчиларга бошланғич офицер унвони тинчлик даврида мудофаа вазирлиги томонидан тайинланади. Полковник ҳарбий унвони ва генераллик ҳарбий унвони эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади, армия генерали ҳарбий унвони эса уруш вақтида Ўзбекистон Республикаси Олий Бош қўмондони (Ўзбекистон Республикаси Президенти)га ва Мудофаа Вазирига берилади. бошқа ҳарбий унвонлар узлуксиз тартибда ҳарбий унвонларга мувофиқ штат лавозимига кўра хизмат муддати авалги унвонга асосан аттестация ўтказиш орқали берилади. Агар офицер ўз шахсий ҳуқуқ ативорида камчиликларга эга бўлса ушбу камчиликларни йўқотмагунча кейинги унвонга тавсия этилмайди. Ҳарбий қонунчилик шунингдек, ҳарбий унвонлардан маҳрум қилиш, уни пасайтириш ёки қайта тиклаш каби меъёрларга эга. Офицер тинчликда унвонини пасайтириш Ўзбекистон Республикаси Вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан, полковник унвонини пасайтириш эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазири томонидан амалга оширилади. Генерал ҳарбий унвонининг пасайиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бажарилади. лавозимларга тинчликда тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг буюриғига асосан тайинланади.

Офицерларга турли муддатли таътил берилиши мумкин. Шунингдек, қисқа муддатли қасами бўйича ҳарбий ўқув юртини тугатиши билан берилиши мумкин. Навбатдаги таътилда касалланган офицерларга ҳужжатида кўра таътил

узайтирилади. Сабабли вазиятга кўра қисқа муддатли татил 10 кунгача берилади ва навбатдаги таътилдан чегараланмайди; Амалдаги ҳарбий хизмат офицерларнинг заҳирага ёки истъефога чиқариш билан тугалланади. Ёки соғлиғига биноан вақтидан олдин истъефога чиқарилиши мумкин. Муддатдан илгари заҳирага: Штатларнинг қисқарилиши, хизмат лавозимиغا аттестациядан ўтмаганлиги сабабли бўлиши мумкин. Шунингдек, маълум бир ёшга етганда ҳарбий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб тайинланганда бўшатилади. Офицерлар командир буйруғи, чиққан кундан бошлаб заҳирада ҳисобланадилар. Заҳирадаги офицерлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ёрдамчи кучлари ҳисобланадилар. Улар 5 йилда бир марта ўқув йиғинларига чақирилади ва ёш ёки соғлиғига биноан яроқсиз бўлганида истъефога чиқадиладар.

Ўқув саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятлари тушунчаси ва унинг моҳияти?
2. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолатлари, жамланиш, муддатли ва ҳарбий хизматни аскарлар ва сержантлар томонидан ўташ тартиби?
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шартнома асосида хизмат қилувчилар ҳамда офицерлар таркибининг ҳарбий хизматлари?

Адабиёт ва қўлланмалар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. “Мудофаа тўғрисида”, “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги, Ўзбекистон. Республикасининг қонунлари.
3. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлар-ининг ташкил топганлигини 3 йиллигига Бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқи.
4. Р. И. Аҳмедов. Ўзбекистон Республикасининг қуролли Кучлари-тинчлик ва барқарорлик кафолати”.

Мавзу-4: “Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига давлат таъминоти ва уларга бериладиган имтиёзлари”

Ўқув тарбиявий мақсадлари:

- 1.Талабаларга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига бериладиган имтиёзлари ҳақида назарий билим бериш.
2. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳурматда бўлишлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Ўқув саволлари:

- 1.Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига имтиёзлар, пенсиялар ва нафақалар ҳақидаги умумий низомлар.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларидаги имтиёзларнинг асосий турлари ва тузилиши.
- 3.Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига пенсия ва нафақалар тайинлаш.

Ўзбекистон Республикасининг Қуrolли Кучлари мамлакат мустақиллиги, унинг ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаётини ва суверенитетини мустаҳкамлаш йўлидаги меҳнатини ҳимоя қилишда муҳим ўринни эгаллайди, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбия қилишда ҳам унинг роли бениҳоят каттадир. Шунинг учун ҳам Президентимиз ҳукуматимиз ва бутун халқимиз ҳарбийлар ва уларнинг оилаларига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб, уларга моддий турмуш шарт-шароитларини яратмоқдалар.

Ғамхўрлик кўрсатишнинг кўпгина шакллари ичида ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар, яна уларни ҳарбий хизматдан озод этгандан сўнг ҳарбий пенсия ва нафақалар шаклида давлат таъминоти кўрсатиш муҳим ўрин эгаллайди.

Имтиёз деганда фуқароларга ҳарбий хизмат ёки бошқа ҳарбий бурчларни бажаришда бир қатор афзалликларга эга бўлиш ёки баъзи давлат бурчларидан тўлиқ ёки қисман озод этиш тушунилади. Ҳозирги пайтда имтиёз нормалари кўрсатилган юридик ҳужжат бу Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган ҳарбий хизматчилар, ҳарбийга мажбурлар (заҳирадаги ёки истеъфодаги) ва уларнинг оилалари учун имтиёзлар ҳақидаги Низомдир. Олий Мажлис бу қарорни Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари учун автоматик равишда қабул қилган. Бундан ташқари имтиёзлар ҳақидаги нормалар Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”, “Мудофаа ҳақида” қонунларида ва бошқа ҳуқуқий актларда қайд этилган.

Президентимиз ва ҳукуматимизнинг Ватан ҳимоячиларига кўрсатаётган ғамхўрликларининг энг равшан кўринишларидан бири бу 3 октябр 1994 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан қабул қилинган “Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун қўшимча имтиёзлар ҳақида” ги қароридир.

Имтиёзлар нафақат ҳарбий хизмат туфайли, балки бошқа ҳарбий бурчларни бажарилиши туфайли ўрнатилади, улар фақатгина ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига эмас, балки бошқа фуқаролар учун, яъни хизматга чақирилганлар ва ҳарбийга мажбурлар ҳарбий ҳисоб бўйича бурчларини бажариш ҳоллари ва заҳирада хизматни ўтаётганлар учун ҳам

тегишлидир. Ҳарбий хизматчиларга ўрнатилган кўп имтиёзлар муқобил хизматни ўтаётганлар ва уларнинг оилалари учун ҳам тегишлидир ва уларнинг оилалари фойдаланадилар.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари ҳақиқий ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган имтиёзлардан муддатли ҳарбий хизматга чақирилгандан бошлаб хизматдан захирага бўшатишгунга қадар фойдаланиши мумкин. Маълумки ҳарбийлар таркиби учун ўрнатилган имтиёзлар ҳуқуқий, ўша таркибда хизмат қилиш вақтидан берилади.

Масалан, офицер ўз имтиёзларидан биринчи офицерлик унвонини олган кундан, офицерлик хизматига қабул қилинганлар эса захирадан кадрларга ўтказилган кундан бошлаб фойдаланиши мумкин.

Ҳарбий бурчларни бажариш билан боғлиқ афзалликлар ҳаётнинг кўпгина соҳаларида ўз аксини топади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларга қаршиликда моддий таъминоти, яна касаллик пайтида, меҳнат қилиш қобилиятини йўқотганда, боқувчисини йўқотганда моддий таъминотни кафолатлайди. Бу ҳолларда пенсия ва нафақалар ҳарбий хизматчилар уларнинг оилаларига ҳам кафолатланади.

Пенсия ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари аъзоларининг моддий таъминоти, ҳаёти учун муҳим воситалар манбаи бўлиб ҳисобланади ва шу орқали пенсияларни таъсис этиш шартлари ва уларнинг ўлчови белгиланади.

Ҳарбий хизматдан озод этилган шакллар учун давлат таъминоти, ҳарбий бурчларни бажариш билан боғлиқ имтиёзларнинг мазмуни шуки, улар шундай фуқароларнинг ҳаёт ва фаолиятлари учун нормал шароитлар яратиш ва уларга моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаини яратишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам бундан ташқари имтиёзлар ва давлат таъминоти ҳақидаги ҳуқуқий нормаларни ҳаётда қўллаш усуллари бу шахсий таркибда ўтказиладиган командир ва унинг ўринбосарлари бошқарадиган шу саволлар бўйича тушунтириш ишларидир; ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқароларга ноқонуний муносабатда бўлганда уларни ҳимоя қилишни кафолатлаш; имтиёзлар, пенсия ва нафақалар ҳақидаги қонунни бажарилишидаги прокурор назорати ва бошқа давлат органлари назорати ҳисобланади. Бу ва бошқа чоратadbирлар ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига бажарилаётган ҳарбий бурчлар билан боғлиқ афзалликлардан, имтиёзлардан фойдаланишларига кафолат яратади.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида имтиёзларнинг асосий турларининг тузилиши ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига, бошқа фуқароларга ҳарбий бурчларни бажаришлари туфайли ўрнатилган имтиёзлар ҳаётнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўз аксини топади. Имтиёзлар қандай соҳаларга тегишлилигига қараб қуйидаги асосий турларига ажратилади:

- солиқ ва йиғинлар бўйича имтиёзлар;
- уй-жой имтиёзлари;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги имтиёзлар;
- таълим соҳасидаги имтиёзлар;
- транспорт бўйича имтиёзлар;
- меҳнат ва ижтимоий суғурта бўйича имтиёзлар;

- узоқ жойларда хизмат учун имтиёзлар.

Соғлиқ ва йиғинлар бўйича имтиёзлар бўйдоқларни, ёлғиз ва вояга етмаган фуқароларни фойда солиғи, қишлоқ хўжалиги солиғи ва маҳаллий солиқ ва йиғимлардан тўлиқ ёки қисман озод этишдир.

Муддатли ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбийга мажбурлар штатдаги лавозими ёки ўқув йиғинларида ўтказилган вақти учун ҳарбий қисмларда оладиган пул таъминотидаги фойда солиғидан озод қилинади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб уйига қайтаётган ҳарбий хизматчиларга энг кам иш ҳақининг 16 баробари миқдорида пул маблағи берилади, ундан ташқари ҳарбий хизматчининг хизмати давомида унинг оила аъзолари ер жой солиғидан ҳам озод этилади.

Бўйдоқлар, ёлғиз ва кам оилали фуқаролар солиғи муддатли ва муддатсиз хизматдаги ҳарбий хизматчилардан, олинмайди. Бундай имтиёзлар бошқа сабабларга кўра чегарани кесиб ўтаётган офицерлик таркибидаги шахсларга ҳам кўрсатилади.

Ҳақиқий ҳарбий хизматдаги аскарлар, сержантлар ва улар оиласи аъзолари ер солиғи ва импортга эгалик солиғидан озод қилинади. Уй-жой имтиёзлари, уй-жой ҳуқуқини унинг ҳақини пасайтириш, қўшимча уй-жой ҳуқуқи, уй-жой олишда биринчи навбат, шахсий уй-жой қурилишига ёрдам бериш ва бошқа афзалликлардан иборат.

Ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчилар, 2-3 йилга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган офицерлар (захирадаги) дан сўнг уй-жойи сақланади ва улар уй-жой олиш учун турган навбатидан ўчирилмайди.

25 йил ва ундан кўп хизмат қилиб захира ёки истеъфодаги катта офицерлар ва генераллар ўзлари ва оилалари яшаётган жой майдонларини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Уларнинг жой майдонлари улар чегарадан ташқарида (чет эл) хизмат қилаётганларида ҳам сақланади. Ҳақиқий ҳарбий хизматдаги ҳарбий хизматчи ўзи яшаётган уй-жой учун тўловни имтиёз ставкалари бўйича тўлайди. 25 йил давомида ҳарбий хизматда бекиёс хизмат қилган офицерлик таркиби шахслар хизматдан озод этилгандан кейин уй-жой тўловлари учун имтиёзни сақлаб қоладилар.

Полковник ва ундан юқори унвонга эга бўлган ҳарбий хизматчилар умумий нормалардан юқори қўшимча уй-жой ҳуқуқига эгадирлар.

Генераллар, офицерлар, ва муддатсиз хизматдаги ҳарбий хизматчилар соғлиғи, ёши ёки штат қисқариши туфайли захирага ёки истеъфoga чиқарилганда ҳокимият ижроия қўмитаси уларни биринчи навбатда уй-жой билан таъминлашлари лозим. Ҳукумат маҳаллий органлари захирага ёки истеъфoga чиқарилган офицерларга шахсий уй-жойларини қуришда уларга ёрдам кўрсатиши зарур.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги имтиёзлар дориларни харид қилишда уларни текин ёки арзон нархларда олиш, даволаш-санатория масканлари учун йўлланмани текин ёки чегирма нархларда олиш ва бошқа афзалликлардан иборат.

Йиғинларда бўлиш чоғида ҳарбий хизматчилар ҳарбий-тиббий муассасалар хизматидан фойдаланадилар, агар бу жойларда бундайлар йўқ бўлса улар фуқаролар соғлиғни сақлаш муассасаларининг тиббий ёрдамидан фойдаланадилар. Биринчи ва иккинчи ҳолларда ҳам дори-дармонлар текин берилади.

Уруш ногиронлари ва ҳарбий хизмат ногиронларига шифокор рестепти билан дори-дармонлар текин берилади. Тиббий кўрсатмалар кўрсатилганда сержантларга, старшина ва муддатсиз хизматлардаги аскарларга давлат-санатория масканларига йўлланма текин берилади.

Офицерлар ва сержантлар санатория ва дам олиш масканлари учун йўлланмалар нарҳини 25% ни тўлайдилар, Госпитал даволанишидан сўнг даволанишни давом эттириш учун бу масканларга юборилаётганларга йўлланма текинга берилади.

Таълим соҳасидаги имтиёзлар бу ўқув юртларига киришда, уларда ўқишни қайта тиклаш каби афзалликларидан иборатдир.

Камида 6 йил давомида ҳақиқий ҳарбий хизматларда бўлган муддатли ҳарбий хизматчилар заҳирага чиқарилгандан сўнг 2 йил амалий иш стажига эга бўлмасдан олий ўқув юртларига кирадиганлар олдида олий ўқув юртларига киришга киритилиш ҳуқуқ афзаллигидан фойдаланадилар. Олий ўқув юртларига киришда энг ёқори олинishi керак бўлган баллнинг 25% миқдорида балл кўшиб берилади.

Ўқув юртларида ўқиётган даврда ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган шахслар заҳирага чиқарилгандан сўнг ҳарбий хизматга чақирувгача ўқиётган ўқув масканида ўзлари ўқиётган курсга қайта қабул қилиниб ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эгадирлар. Сиртқи ва кечки ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқиётган (рухсат берилган ҳолларда) офицерлар, сержантлар ва муддатсиз хизматдаги ҳарбий хизматчилар учун ҳам турли хил имтиёзлар кўрсатилади. Масалан, уларга имтиҳонларни топшириш учун кўшимча таътиллار берилиши, иш хафтаси қисқартирилиб ҳафтада 1-2 кун бўш кунлар берилиши мумкин.

Транспорт бўйича имтиёзлар бу Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ҳисобига ўрнатилган қонунчилик ҳолларида транспорт хизматларидан фойдаланиш ва йўл ҳақиға чегирмалар ҳуқуқидир.

Хизмат бўйича кўчириш ёки тайинлаш ҳолларида, мукофот сифатида олинган галдаги таътил ёки оддий таътилдаги сафар чоғларида, касаллик бўйича даволаниш учун олинган таътиллarda ва беморларга ҳамроҳлик чоғларидаги сафарларда, ҳарбий тиббиёт масканлари томонидан санаторияга даволаниш учун йўналтирилганда, заҳирага чиқарилганда ёки истеъфоға озод этилгандан сўнг барча ҳарбий хизматчилар темир йўл, сув, автомобил ва ҳаво транспортларидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ҳисобидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Худди шундай имтиёзлар қуйидаги ҳолларда чақириққача ва чақирув ёшидаги шахсларга кўрсатилади: Олий ўқув юртларига кириш учун йўналтирилганда; ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилганда ва унга киришда; тиббий кўрикка чақирилганда; ўқув ва текширув йиғилишларига чақирилганда.

Ватанни ҳимоя қилиш ва бошқа ҳарбий хизмат бурчларини бажариш чоғида контузия, шикаст ва ярадор бўлган ҳарбий хизматчилардан бўлмиш

ногиронлар шаҳар йўловчи транспортларининг барча турларида (таксидан ташқари); шаҳардан ташқари маршрутдаги темир йўл ва сув, автобус транспортларида текин йўл ҳақи ҳукуқига эгадирлар.

Меҳнат ва ижтимоий суғурта бўйича имтиёзлар, бу иш жойи (лавозими) ва иш ҳақини сақлаб қолиш, нафақалар тўлашда ишга жойлашувни ва ҳарбий хизмат вақти ҳисобига меҳнат ва касаба уюшма стажларини сақлаб қолиш афзалликлари; ногиронларга ўз бурчларини бажаришлари учун, ҳарбий хизматга чақирилганда, ўқув ва текширув йиғинларига келиш учун ҳаракатланиш воситаларини бериш; ва шу ҳолларда чақириққача ва чақирув ёшидаги аскарлар ва ҳарбий мажбуриятчилар ишдан озод этилиб. Иш ҳақини сақлаб қолиш ҳукуқидир.

Ўқув ва текширув йиғинларига чақирилган ишчилар, хизматчилар ва жамоа ҳўжалик аъзоларининг ҳам иш жойидаги лавозими сақланиб қолинади.

Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва ҳарбий-ўқув юртлари тингловчилари, яъни казарма ҳолатида бўлганларнинг фарзандлари учун нафақа тўланади. Нафақа ўлчови дифференциал ҳолда ўрнатилади.

Нафақалар шаҳар (район) ижроия кўмиталар комиссиялари томонидан таъминланиб, шунинг учун нафақа тайинлаш учун ҳужжатлар билан ўша ерга мурожаат қилиш зарур. Бундан ташқари ҳокимият ижрокомлари маълум вақт ичида ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар фарзандларини болалар боғчаси ва яслиларга жойлаштириш керак.

Маълум тиббий кўрсатмалар доирасида уруш ногиронларига давлат махсус транспорт воситалари берилади, масалан “запарожест” автомобили.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат, ишчи ва хизматчиларга пенсия ёки нафақа тайинлашда (уларни меҳнатга лаёқатсиз бўлган пайтларида) ҳисобга олинади. Ҳарбий хизмат вақти ҳам узлуксиз иш сифатида ҳисобга олинади, агар Куролли Кучлар сафидан озод этилган даврдан, ишга тушгунгача бўлган вақт 3 ойдан ошмаган бўлса (бунда яшаш жойига етиб келгангача вақт ҳисобга олинмайди). Қонунчиликда узоқ жойлардаги хизмат учун ҳам имтиёзлар кўрсатилган. Муддатсиз хизматдаги ҳарбий хизматчилар, офицерлар, прапоршиклар, агар олис жойларда ҳарбий хизматни ўтаётган бўлсалар, уларга катта окладли иш ҳақи тўланади. Бундан ташқари уларга бу районлардаги хизматлари учун фоизли кўшимчалар ҳар ойда тўланади.

Пенсияни ўрнатишда ҳам бу жойлардаги хизмат вақтига қаралади ва яна шунга ўхшаш бир қатор афзалликлар мавжуд, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларига пенсия ва нафақалар.

Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига кўра, фуқароларга қарилик, касал, меҳнатга лаёқатсизлиги. Боқувчисини йўқотиш чоғларида моддий ёрдам кўрсатилади, шу каби ҳарбий хизматчилар ҳам бошқа фуқаролар каби пенсия ва нафақа кўринишида давлат таъминотидан фойдаланиш ҳукуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан озод этилган фуқаролар ва улар оилаларига пенсия ва нафақалар кўринишидаги давлат таъминоти Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ва жойларда ижтимоий таъминот органлари чиқараётган пул воситалари орқали амалга оширилади.

Офицерларга, ва муддатсиз ҳарбий хизматда хизмат қилган ҳарбий хизматчиларга пенсия тайинлашда улар хизмат қилган йили ҳисобга олинади: 20 йилдан 25 йилгача хизмат ва 20 йилдан кам бўлган хизмат.

Пенсия тайинлашда асосий шарт бу ҳарбий хизматчи ҳақиқий ҳарбий хизматдан чиқарилиш кунигача хизмати 25 йил бўлиш заруриятидир. Пенсия ўлчови хизмат 25 йилдан ошганлигига, хизматдан озод этилиш пайти ва ёшга, соғлиқ ҳолати ва баъзи ҳолларда озод этилиши сабабларига боғлиқдир.

20 йилдан 25 йилгача хизмат учун пенсия тайинлаш учун кўрсатилган хизматдан ташқари, бошқа шартлар зарур. Бу пенсия фақат ҳақиқий ҳарбий хизматдан ёши, касаллиги, штатларни қисқартириш ёки соғлиғи тўғри келмаслиги сабабли ва 40 ёшга етганлиги сабабли озод этилган ҳарбий хизматчиларга берилади. 20 йилгача бўлган хизмат учун пенсия ёши, касаллиги, штатларни қисқартириш ёки чекланган, соғлиғи туфайли, ҳарбий хизматдан озод этилган ҳарбийларга берилади. Шу билан бирга бу ҳарбийлар озод этилиш пайтигача 50 ёшга тўлган бўлиши ва 25 йиллик иш стажига эга бўлиб, бундан камида 12,5 йили ҳарбий хизматда бўлган бўлиши керак.

Ногиронлик туфайли пенсия ҳуқуқига хизмат сафидан чиқарилгандан сўнг I-II-III гуруҳ ногиронлари деб тан олинган муддатсиз хизмат ҳарбийлари, прапоршиклар, офицерлар, генераллар эгадир.

Ногиронлик пенсияси ҳарбий хизмат узунлигига боғлиқ эмас. Унинг ўлчови ногиронлик гуруҳи ва сабабларига боғлиқ, айрим ҳолларда 5 йил ва ундан ортиқ хизматга ҳам боғлиқ. Бу омилларни ҳисобга олиб ногиронлик пенсияси пул окладларининг 30 дан 25% гача бўлган чегараларда ўрнатилади.

Ногиронлик ҳуқуқи ва сабаблари тиббий меҳнат эксперт комиссияси томонидан аниқланади. (ТМЕК) комиссияга йўлланма мудофаа ишлари бўйича органлар томонидан берилади.

Офицерлик таркиби, прапоршиклар ва муддатсиз хизмат ҳарбийлари оила аъзоларининг пенсия таъминоти, ҳарбий хизмати ва ҳарбий пенсионер оила аъзолари пенсия ҳуқуқига эгадирлар, агар ҳарбий хизматчи (ҳарбий пенсионер) вафот этиб, у оилани боқувчиси бўлган бўлса, пенсия эса фақатгина оиланинг меҳнатга лаёқатсиз бўлган аъзосига берилади, агар у марҳумнинг қарамида бўлган бўлса, қарам бўлганлиги эса маҳаллий органлар иштирокида мудофаа ишлари органлари томонидан аниқланади.

Оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоси булар: 16 ёшга етмаган, ўқиётганлар бўлса, 18 ёшга етмаганлар; болалари, сингиллари, неваралари ва укалари, отаси, онаси. Рафиқаси, агар эркак 60 ёшда аёл 55 ёшган ёки улар ногирон бўлса. Марҳумнинг қарамида бўлганлар, бу доимий унинг ёрдамга муҳтож бўлиб, унинг боқимида бўлган ва яшаш учун воситалар манбаи марҳумнинг даромади бўлган оила аъзолари ҳисобланади.

Пенсия ўлчови эса ўлими сабаби, пенсия ҳуқуқига эга бўлган шахслар сонига боғлиқ бўлиб, у марҳумнинг пул окладининг фоиз ўлчовлари ҳисобланади. Нафақалар Қуролли Кучлар сафидан чиқарилган офицерлар, прапоршиклар ва ҳарбий хизматчиларга бир йўла бериладиган ёки доимий нафақалар тўланади. Уларнинг Мудофаа Вазирлиги томонидан ўлчовидан бир йўла олинadиган нафақа олишлари мумкин. Пенсия олмайдиганлар эса доимий нафақа оладилар. Ёши, касаллиги, штатларни қисқартириш ёки чекланган соғлиғи туфайли ҳақиқий ҳарбий хизматдан озод этилган офицерлик таркиби

шахсларига агар улар пенсия ҳуқуқига эга бўлмасалар. Бир йўла бериладиган ва доимий нафақалар ҳарбий қисмдан умуман озод этилганда, оклад эса ҳарбий унвонга қараб вилоят муҳофаа органлари томонидан тўланади. Ҳуқуқий интизоми ёки хизматга нолойиқлиги, яна жинояти учун судлангани сабабли ҳарбий хизматдан озод этилган ҳарбийлар нафақа ва унвонга кўра оклад олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Муддатли хизматдаги ҳарбийлар ва улар оила аъзоларига пенсия таъминоти “Аскар ва сержантлар давлат пенсиялари ҳақида” ги қонунга боғлиқ ҳолда ногиронлик ёки боқувчисини йўқотиш ҳолларида тўланади. Бу ҳарбийларга ва улар оила аъзоларига пенсия, ҳарбий хизматда қанча вақт бўлганлиги, чақириққача улар қуролли кучлар сафида хизмат қилган ёки қилмаганликларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрнатилади. Боқувчисини йўқотгандан сўнг олинadиган пенсия ҳуқуқига муддатли ҳарбий хизматдаги пенсионер ўлиmidан сўнг унинг оиласи аъзолари эга бўладилар.

Ногиронлик пенсияси тайин этилади, агар ногиронлик ҳарбий хизмат чоғида ёки ҳарбий хизматдан озод этилгандан сўнг камида уч ой ичида бўлган бўлса, ёки ундан кейинроқ, яъни ҳарбий хизматни ўташ чоғида орттирилган касаллик, шикас, контузия, яраланиш, натижасида ногирон бўлиб қолса, ногиронлик ва унинг сабаблари ТМЕК томонидан аниқланади.

Пенсия ўлчови ногиронлик гуруҳи ва сабабига, чақириққача бўлган меҳнат фаолиятига, унинг характери ва ҳамда ҳарбий унвонига боғлиқдир. Боқувчи йўқотиш сабаби билан олинadиган пенсия марҳум ҳарбийни қарамоғида бўлган меҳнатга лаёқтсиз аъзоларга берилади. Бундай пенсия боқувчиси ҳарбий хизмат чоғида ёки ундан озод этилгандан сўнг камида 3 ой ичида вафот этса, ёки хизмат давомида орттирилган касаллик, шикаст, яраланиш, контузия оқибати кейинроқ вафот этган ҳарбийлар оиласига берилади. Унинг ўлчови боқувчининг ўлим сабаби, ҳарбий унвони, иши, чақириққача бўлган ишининг характери ва маоши, оила таркибига, унинг яшаш жойига боғлиқдир. Алтернатив хизматдаги хизматчилар ва улар оилаларига пенсия таъминоти ўша муассасани ишчи ва хизматчиларининг шарт-шароитлари билан бир хил амалга оширилади.

Текшириш учун саволлар:

1. Нафақа ва имтиёзлар ҳақида умумий низомлар мазмуни?
2. Ҳарбийлар ва улар оилалари пенсияларини тайинлаш?
3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидаги имтиёзларнинг асосий турлари ва тузилиши?
4. Ҳарбийларни пенсия таъминоти ва уни ҳарбий фаолиятга қизиқтиришдаги роли?
5. Йиллар давомида хизмати учун ва ногиронлиги туфайли пенсия тайинлаш тартиби?
6. Боқувчини йўқотиш ҳолларида олинadиган пенсияни тайинлаш тартиби?

Таянч сўзлар:

Сувереннитет - давлатни мутлоқ мустақиллиги.

Пенсия - йиллар давомидаги хизмати учун пул таъминоти.

Суғурта - ўз-ўзини бирон нарсадан сақлаб қолиш кафолати.

Омил - жорий куч, сабаб.

Адабиёт ва қўлланмалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа ҳақида” ги қонуни
3. Ўзбекистон Республикаси “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ги қонуни.
4. И.А.Каримов “Тинчлик ва тотувлик - мамлакатимизнинг катта бойлиги”. 1995 й.
6. Ахмедов Р.У. “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари - тинчлик ва барқарорлик кафолати” - 1995 й.

Мавзу-5: Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш. Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий ўқув йиғинларга чақирилганларнинг жавобгарлиги.

Ўқув-тарбиявий мақсадлар

1. Талабаларга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳуқуқий тартибнинг бузилишида жавобгарликнинг моҳияти ва аҳамиятини очиқ бериш.
2. Талабаларни ҳарбий жиноятга жавобгарлик тоғрисидаги умумий низом билан таништириш.
3. Ҳарбийга мажбурларнинг ўқув йиғинларидаги интизомий, моддий ва жиноий жавобгарлиги билан таништириш.
4. Хизматга чақирилувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясига жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

Ўқув саволлари.

1. Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилигининг умумий хусусиятлари.
2. Ҳарбий жиноят ҳақида умумий тушунча ва унинг турлари.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар Ватанни ишончли ҳимоялаш учун ҳалқ томонидан юклатилган жавобгарликни чуқур ҳис этади. Аскарлар ҳарбий маҳоратини такомиллаштиришда, техника ва қуролларни эгаллашда, ҳарбий тайёргарликда зийраклик билан иш қилмоқдалар. Лекин бизнинг армия муҳотида ҳарбий тартибни бузадиган айрим ҳарбий хизматчилар учраб туради.

Улар ўзбошимчалик билан хизмат жойидан кетиб қолиш, қисмларни ўзича ташлаб кетиш ҳолларини содир қилмоқдалар, ҳарбий мажбуриятлардан бўйин товлайдилар, ҳужжатларни сохталаштирадилар ҳам.

Шунинг учун бу ҳуқуқ бузарликлар билан курашиш ёки олдини олиш ҳарбий қисмда ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашнинг шароитлари яратишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Давлатимизда, Ҳарбий қисмда содир этиладиган жиноятлар билан курашиш амалдаги жиноий қонунчиликка қатъий мос равишда амалга оширилади.

Жиноий қонунчилик умум давлат қонунчилигидан иборат. Уларга Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунчилик асослари, содир этилган давлат жиноятларига жиноий жавобгарлик тоғрисида қонун ва бошқа турдаги жиноятларга жавобгарликни белгилайдиган қонунлар (пора олиш, зўрлаш, безорлик ва майда ўғирлик қилиш ва бошқалар).

Жиноий қонунчиликнинг вазифаси Ўзбекистоннинг ижтимоий тузилишини, фуқароларнинг иқтисодий, мулки, шахсий, ҳуқуқ ва эркинликларни жиноий тажжавуздан ҳимоялашдир. Бу вазифани амалга оширишда жиноий қонунчилик томонидан қандай ижтимоий ҳавфли ҳаракатлар жиноят деб ҳисобланиши ва жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қолланиладиган жазо чоралари қатъий белгилаб қўйилган.

Жиноят Кодекси умумий ва алоҳида қисимлардан иборат. Умумий қисим жиноий қонунчиликнинг асосларига мувофиқ, жиноий жавобгарликнинг умумий низом ва асосларини белгилаб беради. Алоҳида қисмнинг меёрларида жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо чораларининг алоҳида турлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон фуқароси ва Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек чет элда содир қилган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси жиноий қонунлар бўйича, чет эл фуқаролари Ўзбекистон Республикасида содир қилган жинояти учун Ўзбекистон қонунлари бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Ҳарбий хизматдагилар давлат ва умум жиноий жиноятларини содир қилганликлари учун давлатнинг бошқа фуқаролари билан умумий асосда, содир қилган ҳарбий жиноятлари учун ҳарбий жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун бўйича жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Жиноят ва жазо ҳаракатлари бу ҳаракатларни содир қилиш вақтида амал қиладиган қонун томонидан белгиланади.

Ҳаракатнинг жазоланиши ва жазони енгиллаштиришини белгилайдиган қонун, эълон қилинмасдан олдин бўлган ишларга ҳам жорий этилиш кучига эга.

Ҳаракатнинг жазоланиши ва жазони кучайтиришни белгилайдиган қонун бундай кучга эга эмас.

Жиноий жавобгарликка ва жазоланишга жиноий қонунларда кўрсатилган қасддан ёки эҳтиётсизликдан ижтимоий ҳавф ҳаракатларини содир этган айибланувчи шахслар тортилади.

Қонунга мувофиқ суд қарорсиз ҳеч ким жиноий жавобгарликка тортилмайди. Жиноят қонунида кўрсатилган жиноят таркибининг ҳамма хусусиятларидан иборат ижтимоий ҳавф ҳаракатларининг содир этилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ижтимоий жавобгарликнинг ягона асоси бўлиб хизмат қилади. Шахс ҳаракатида жиноят таркибида ҳамма хусусиятларнинг бўлиши бу ҳаракатни жиноят қонунининг мувофиқ келадиган моддаси бўйича белгилашга имкон беради. Жиноят қонунида кўзда тутилган ижтимоий тузилишга, иқтисодиёт, мулкчилик, шахс, Ўзбекистон Республикаси

фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, шунингдек ҳуқуқий тартибга таъжовуз қиладиган ижтимоий ҳавф ҳаракатларидир.

Жиноят белгилари бўлиб, ижтимоий ҳавф ҳаракатлар, ҳуқуққа зид, айбдорлик ва ҳаракатнинг жиноий жазоланиши.

Ижтимоий ҳавф жиноятнинг муҳим моддий белгисидир, у қонун томонидан ҳимояланадиган манфаатларга, ижтимоий муносабатларга зиён келтиришдан иборат.

Жиноят қонуни меёрига мувофиқ бўлган ижтимоий ҳавфга эга, жиноятчи шахс – содир этган ҳаракатининг ҳавфлилигини англасак ва ундан келиб чиқадиган ҳавфли асоратларни олдиндан кўра билганда, бу ҳаракатлар ҳуқуққа қарши ҳаракатлар бўлади.

Шахсни айбдор деб топишнинг муҳим шарти бўлиб, унинг ўз жиноятлари учун қонун олдида жавоб бера олиши ва маълум ёшга этганлиги, жиноят содир қилиш вақтида 16 ёшга тўлган айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ўз жиноятлари учун қонун олдида жавоб бера олмайдиган шахс деб, ижтимоий ҳавф ҳаракатини содир этиш вақтида руҳиятининг носоғломлиги туфайли ўз ҳаракатларини тушунмаган ёки уларни бошқараолмаган шахс тан олинади. Бундай шахсга нисбатан судлар томонидан тиббий чоралар қўлланилади.

Жиноятни маст ҳолда содир этиш жиноий жавобгарликдан озод қилмайди, умумий қоидаларга кўра, мастлик жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолат деб тан олинади.

2. Ҳарбий жиноят ҳақида умумий тушунча ва унинг турлари. Ҳарбий жиноят деб, содир этилганлиги учун қонун томонидан жиноий жазо қўлланилиши мумкин бўлган ҳаракатлар тан олинади.

Жиноий жазо жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахсга суд томонидан қўлланиладиган мажбурий давлат чорасидир. Жазо фақат содир этилган жиноят учун жазолаш эмас, балки айбдор деб топилганларни меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, қонунларни аниқ бажариш, демократик тузум қоидаларига ҳурмат руҳида тузатиш ва қайта тарбиялаш, шунингдек айбдорлар ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этишнинг олдини олиш ҳамдир. Шунини таъкидлаш жоизки, жазолашда жисмоний азоблаш, инсон қадрини поймол қилиш мақсад қилиб қўйилмайди.

Жиноят содир этган шахсларга қуйидаги жазо турлари қўланиши мумкин:

1. Асосий озодликдан маҳрум қилиш, интизом баталонига жўнатиш (тезкор хизмат ҳарбийлари учун), меҳнат тарбия муассасига жўнатиш, озодликдан маҳрум этилмасдан тузатиш ишлари, жамоатчилик айблови кабиларни қўллаш мумкин.

2. Мулкнинг қўшимча мусодара қилиш, ҳарбий унвон (махсус унвон) дан маҳрум этиш.

3. Маълум лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан ёки маълум фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш, жарима солиш, лавозимидан бўшатиш, етказилган зиёнининг ўрнини тўлдириш вазифасини юклаш.

Жазолашнинг айрим чораси сифатида тўла бекор қилиш ёки умрбод қамоқ жазоси қўлланилади. Бу жазо ўта оғир, ҳавфли жиноятлар (Ватанга

ҳиёнат қилиш, айғоқчилик, мақсад йўлида одам ўлдириш, катта миқдордаги ўғирлик ва бошқалар.

Озодликдан маҳрум этиш 6 ойдан 20 йилгача муддатга белгиланади, оғир жиноятлар қилганда эъса қайта жиноят содир қилувчи ҳавфли шахсларга қонун бўйича тайинланади

Бу жазо ахлоқ тузатиш колонияларида, (АКТ-умумий, кучайтирилган, қатъий ва алоҳида тартибдаги колонияларда ва айрим ҳолларда қамокларда ўталади. Балоғат ёшига етмаганлар (Озодликдан маҳрум этилганлар) жазони меҳнат – ахлоқ тузатиш колониясида (МАК) ўтайдилар. Коллония ҳукумида белгиланади.

Жазонинг барча турлари Жиноят Кодексининг меъёрларига мувофиқ белгиланади. Суд шахсий жазо белгилайди. Суд содир этган жиноятни ижтимоий ҳавф даражасини, айбдор шахсни, жавобгарликни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларини ҳисобга олиб, жазо чорасини белгилайди.

Амалда жиноий қонунчилик жиноий жавобгарликда жазодан озод этиш, ҳуқуқининг бажарилишини жазодан озод этиш, ҳуқуқнинг бажарилишини орқага суриш, вақтдан олдин шартли озод этиш ва меҳнатга жалб этиш имконини назарда тутди.

Ҳарбий хизматдагилар давлат ва умумий жиноий жиноятларни содир этганлари учун Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролари билан умумий асосда жиноий жавобгарликка тортилдилар. Ҳарбий хизматдагиларнинг хизматни ўташ тартибига қарши содир этган жиноятга жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси томонидан белгиланади.

Жиноят қонунчилигининг умумий низомлари ҳарбий жиноятчиликка тўла таълуқлидир.

Ҳарбий жиноятлар деб, жиноят кодексида назарда тутилган ҳарбий хизматдагилар хизматни ўташ даврида ўрнатилган тартибларга қарши содир этилган жиноятлар, шунингдек, ҳарбийга мажбурларнинг йиғини вақтида содир этган жиноятлар ҳисобланади.

Ҳарбий жиноятнинг зарур шarti болиб Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий қонунда белгиланган хизматни тартибига қарси ҳаракатнинг йўналганлиги ҳисобланади. Ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ҳаёти ва саломатлигини хизматдагиларнинг масалалари одам ўлдириш, давлат ва ҳуқуқий мулкка қарши содир этилган жиноятлари ҳарбий жиноятлар қаторига кирмайди.

Ҳарбий жиноятнинг бажарувчиси бўлиб фақат ҳарбий хизматдагилар, яъни хизматни ўтаётган ва Ҳарбий қонунда йиғинларида қатнашиш вақтида ҳарбийга мажбурлар бўлиши мумкин.

Жиноят кодексида назарда тутилган ҳарбий жиноятлар хизматни ўташ тартибининг барча томонларига таъавуз қилади, бу эъса ҳарбий жиноятларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш имконини беради:

А) Бойсиниш тартибига ва ҳарбий шарафга амал қилишга қарши жиноятлар. Уларга бўйсинмаслик, буйруқларни бажармаслик, бошқа қаршилиқ кўрсатиш, таҳдид қилиш, қўл остидагиларни ҳақоратлаш ва низом қоидалари бўйича ўзаро муносабатларининг бузилиши.

Б) Ҳизматни ўташ тартибига қарши жиноят, ўзбошимчалик билан қисм, ҳизматни ўташ жойини ташлаб кетиш, қочоқлик ўзига зиён етказиш ёки бошқа йўллар билан ҳарбий ҳизматдан бош тортиш, жанговар навбатчиликни ўташ қоидаларини бузиш, ички навбатчилик қоидаларини бузиш:

В) Ҳарбий мулкни сақлаш ва ишлатиш тартибини бузиш, ҳарбий мулкни юқотиш ёки яроқсиз ҳолга келтириш, йўқ қилиш ёки зиён етказиш, қурол, шунингдек ҳавфли модда ва буюмларни қўлаш қоидаларини бузиш, машиналарни қайд ва ишлатиш қоидаларини бузиш, учишга тайёргарлик ва учиш қоидаларини бузиш, кема бошқариш қоидаларини бузиш.

Г) Ҳарбий лавозим жиноятлари лавозимни сув истеъмол қилиш, ҳизматга маъсулиятсизлик билан қараш.

Бўйсиниш тартибига риоя қилмаслик, энг оғир жиноятлардан бири ҳисобланади, яъни бошлиқ буюриғни бажаришдан бош тортиш, қасдан буйруққа бойсинмаслик Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 279 моддасида асосан икки йилгача ҳизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади агар ўша қилмиш бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса, оғир оқибатларга сабаб бўлса – уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса – беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Буйруқни бажармаслик (280-модда) буйруқни эҳтиётсизлик орқасида бажармаслик кўп микдорда зарар етказилиши ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса икки йилгача ҳизмат юзасидан чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади. Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Енгиллаштирилган ҳолларда интизом низом қоидалари қўлланилади, бошлиққа қаршилик кўрсатиш (281- модда) ҳарбий жиноят сифатида бошлиққа шунингдек ҳарбий ҳизмат юзасидан ўзига юклатилган вазифаларни бажараётган бошқа шахсга қаршилик кўрсатиш ёки уни мазкур вазифаларни бузишга мажбур этиш 2 йилгача ҳизмат бўйича чеклаш ёхуд 1 йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бундай ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса 5 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бошлиқни қўрқитиш 282-модда жанговар вазиятда бошлиқни ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, бундай ҳаракат амалга оширилиши учун этарли асослар мавжуд бўлса-3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Баданга шикаст етказиш.

Бошлиқни дўппослаш баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш у ҳарбий хизмант юзасидан ўз вазифаларини бажарганлиги муносабати билан ёки бажараётган вақтда содир этилган бўлса 3 йилгача ҳизмат бўйича чеклаш ёки 1 йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Баданга оғир шикаст етказиш бир гуруҳ шахслар томонидан ёки қурол ишлатиб содир этилган бўлса 5 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Юқоридаги ҳаракатлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бошлиқнинг ўз вазифаларини бажаришда ҳизмат мавқеини

сувистеъмол қилиши, ёки ваколати доирасидан ташқарига чиқиши ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки манфаатларига жиддий зиён етказилшига сабаб бўлса 3 йилгача хизмат **боқйича** чеклаш ёки 6 ойгача қамоқ ёхуд 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмишлар баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст этказиб содир этилган бўлса 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳақоратлаш (284-модда) шахснинг ор номусини қадр қимматини камситиш. Бошлиқ ёки бўйсинувчи ҳақоратлаш интизомий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса 2 йилгача хизмат **боқйича** чеклаш ёки 3 ойгача қамоқ ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Низомда кўрсатилган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар қоидаларининг бузилиши (285-модда) бир ҳарбий хизматчининг бошқасига нисбатан қўллаган зўрлик ҳаракатларидан иборат (масалан, бир ҳарбий хизматчининг бошқасига тан жароҳатлари этказиши унга ўз вазифасини қилдириш мақсадида) бу жиноят 6 ойгача қамоқ ёхуд 1 йилгача интизомий қисмга юбориш ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Агар бу жиноят шахслар гуруҳи томонидан ёки қурол ишлатиб ёки ўғир асоратлар келтирган жиноят содир этилган бўлса, 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўз бошимчалик билан хизмат жойларини ёки қисмини ташлаб кетиш (287-модда) хизматга сабабсиз бир кеча кундуздан ортиқ, лекин 10 кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида ҳозир бўлмаслиги шундай қилмишлар учун интизомий жазо чораси қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса 6 ойгача қамоқ ёки 1 йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади, 10 кеча –кундуздан ортиқ, лекин бир ойдан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойига келмаслиги 2 йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ҳарбий хизматдан бош тортиш мақсадида хизмат жойларини, ҳарбий қисмини ташлаб кетиш бошқа жойга ўтказишдан, хизмат сафаридан, татилдан ёки даволаш муассасидан хизматга қайтиб келмаслик қочоқлик деб тан олинади.

Ўз танасига зиён этказиш, сохта касаллик ҳужжатларни сохталаштириш ёки бошқа алдовлар ҳарбий хизматдан бош тортиш каби жиной жавобгарликка тортиладилар. Улар 6 ойгача қамоқ ёки 1 йилгача интизомий қисмга юбориш 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ҳарбий хизматдагилар шахсий фойдаланишга буюмлари, ҳарбий кийим ва анжомларни сотиш, гаровга қойиш, бошқа шахсларга фойдаланишга берганлиги учун жиной жавобгарликка тортиладилар. Бу ҳаракатлар 6 ойгача қамоқ 1 йилгача интизомий тузатиш қисмига юбориш билан жазоланади; энгиллштирилган, ҳолларда интизом низомининг қоидалари қўлланилади.

Хизматда фойдаланиш учун берилган қуроллар, жанг анжомлари ва бошқа ҳарбий мулкни ёқотиш ёки зиён эйказиш, уларни сақлаш қоидаларининг бузилиши учун 2 йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки 1 йилгача интизомий тузатиш қисмига юбориш ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Агар юқоридаги қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Қуролларни қўллаш қоидасининг бузилишида (297-модда) шунингдек жанг

анжомлари, портловчи, радиоактив ёки бошқа хавфли моддаларни ишлатишда тан жароҳатлари этказилган бўлса 2 йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Одамлар ўлимига сабаб бўлса, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум этилади. Ҳарбий махсус ёки транспорт машиналарини бошқариш ва ишлатиш қоидаларини бузилиши бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлган бўлса, жиноят содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортилиб, 2 йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этилади.

Учиш ёки уларга тайёргарлик қойдаларининг бузилиш, одамларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлган кема бошқарув қойдаларининг бузганликлари учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Худуд яхлитлигини ҳимоялаш бўйича, сув ва ҳаво чегараларини ҳимоялаш бўйича Ўзбекистон Республикасига фавқулотда бостириб киришни бартараф этиш ҳарбий навбатчилик қойдаларининг бузилиши энг хавфли жиноятлар қаторига киради.

Бу жиноят ҳарбий навбатчилик тартибларининг, умумий талабларининг бузилишидан иборат ва 2 йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки 6 ойгача қамоқ ёхуд 1 йилгача интизомий тузатиш қисмига юбориш ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 22 сентябр 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноят Кодекси тасдиқлади, у 1995 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган.

Янги Жиноят Кодекси қонунчилик, фуқароларининг қонун олдида тенглиги, демократия, инсонпарварлик, ҳаққонийлик асосида тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ёш давлатимизнинг ривожланиш, мақсадларига мос келадиган асослардан тузилган.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Мудофаа тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни
3. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни.
4. Каримов И.А. Мамлакатнинг асосий бойлиги - тинчлик ва қуёш. 1995.
5. Ахмедов Р.У. Ўзбекистон Республикаси қуrolли Кучлари - тинчлик ва барқарорлик каfoлати. 1995.

Мавзу-6: Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий ўқув йигинларга чақирилганларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги.

Ўқув ва тарбиявий мақсадлар:

1. Талабаларга ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги ҳақида умумий қоидаларни тушунтириш.
2. Талабаларни ҳарбий хизматга чақирилганларнинг интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарлиги билан таништириш.
3. қонунлар, ҳарбий низомлар, йўриқномаларни бузганлик учун жавобгарлик туйғусини тарбиялаш

Ўқув саволлари ва вақт тақсимоли:

1. Юридик жавобгарлик ҳақида тушунча;
2. Маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий меъёрлари;
3. Интизомий жавобгарликнинг ҳуқуқий меъёрлари;
4. Ҳарбий хизматчиларни моддий жавобгарликка тортиш учун асослар ва унинг тартиби.

Ҳар қандай жамиятнинг нормал ҳаёт кечириши учун тартиб ижтимоий муносабатларнинг бошқарилув-чанлиги зарур. Уларга инсонлар ҳатти-ҳаракати қоидаларини белгиловчи ижтимоий меъёрлар ёрдамида эришилади. Бироқ бу меъёрлар фақат уларга амал қилганда ишлайди. Ижтимоий муносабатлар турли ижтимоий меъёрлар билан бошқарилиши боис (ахлоқий, удум ва анъаналар, ташкилотлар ва ҳуқуқий меъёрлар), ижтимоий ташкилотлар олдидаги жавобгарлик турлари, юридик жавобгарликдан фарқ қилади.

Юридик жавобгарлик - қонунлар ва қонун асосида ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бажаришга давлат мажбурлашининг шакли. бўлиб ҳуқуқбузар ҳатти-ҳаракатларни давлат ва жамият томонидан қораланиши ва маълум, ҳуқуқ меъёрлари билан белгиланган, айбдор учун номақбул оқибатларни (юридик санкция) ўз ичига олади. Юридик жавобгарликнинг жамиятдаги ижтимоий аҳамияти унинг давлатнинг ҳуқуқий асосларидан бири эканлиги билан белгиланади. Айни шу ҳолат юридик - жавобгарлик мақсадларини белгилайди: Умуман - Ўзбекистон Республикасида демократик қурилиш шартларини ҳуқуқий таъминлаш:

Ҳуқуқ - тартиботни ҳимоялаш ва қўриқлаш.

Фуқаролар тарбияси ва ҳуқуқбузарларни қайта тарбиялаш.

Ижтимоий жавобгарликнинг бошқа шакллари билан фарқли ўлароқ юридик жавобгарлик ҳуқуқ меъёрлари билан бошқарилади. Унинг мазмуни давлат томонидан ҳокимият ва бошқарувнинг компетент органлари орқали белгиланади. У давлат томонидан белгиланган санкциялар (давлат мажбурлаши чоралари) ни ҳуқуқбузарга нисбатан қўллашдан иборат, уни қўллаш ҳуқуқи фақат давлат органлари ва мансабдор шахсларга ваколати доирасида берилган. Ҳарбий хизматчиларнинг юридик жавобгарлиги асослари Ўзбекистон Республикаси умумий ҳарбий хизмат, ҳарбий жиноятлар учун

жиноий жавобгарлик тўғрисида қонунлари, ҳарбий қасамёд, низомлар ва бошқа қонуний ҳужжатлар билан белгиланади.

Улардан энг жиддийларини кўриб ўтамыз:

1. Давлат томонидан ҳуқуқбузарликларнинг махсус доираси (ҳарбий жиноят, ҳарбий интизомни бузиш ва бочқалар.) белгиланганки, уларни содир этганлик учун фақат ҳарбийлар ва уларга тенглаштирилганлар жавобгар бўлади.

Бу ҳуқуқбузарликлар мазмуни: “ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисида” қонун, Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлари амалдаги низомларни ҳарбий хизматчиларнинг давлатга етказган зарари учун моддий жавобгарлик тўғрисида Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

2. Ҳарбий хизмат муносабатларида амал қиладиган шартсиз ҳарбий бўйсунтиш тамойили билан боғлиқ ҳолда ҳарбийларнинг айрим ҳуқуқбузарлар учун жавобгарлик даражаси бошқа фуқароларникидан юқорироқ.

Маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий меъёрлари;

Масалан корхона раҳбари буюруғини бажармаслик учун ишчига маъмурий чора кўрилса, шу каби ҳуқуқбузарлик ҳарбий хизматчи учун доир жиноят саналади ва жиноий қонунчилик меъёрлари бўйича жазоланади.

Яккабошлик тамойилига кўра командир (бошлик)лар қўл остидагиларни юридик жавобгарликка тортиш бўйича махсус ваколатларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари амалдаги низомларида командирлар ва бошқа бошликларнинг ҳарбий хизматчиларни ҳарбий интизом ва жамоат тартибини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортиш бўйича ҳуқуқлари ҳажми белгилаб берилган.

3. Командирлар (бошликлар) ҳукмини қўллаш ва ҳарбий хизматчига нисбатан қўлланган юридик жавобгарлик чораларини бажаришнинг махсус шартлари белгиланган.

4. Фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган алоҳида жавобгарлик чоралари белгиланган. Буларга навбатдан ташқари нарядга йўллаш, кўкрак нишонидан маҳкум этиш, ҳарбий унвонни пасайтириш, ундан маҳрум этиш, судланганларни жазо ўташ учун интизомий баталонга жўнатиш ва бочқалар киради.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизомий жавобгарлик эҳтимоли кўзда тутилган, яъни ҳарбийлар учун маъмурий жавобгарликни қўллаш сохалари бир оз қисқартирилган.

6. Ҳарбий хизматчи ҳарбий хизмат манфаатларини кўзлаб берилган буюруқ бўйича ҳаракат қилса, юридик жавобгарликдан озод қилинади. Бу хусусият ҳарбий қасамёд ва низомларнинг сўзсиз ҳарбий бўйсунтиши ҳақидаги талаблари билан белгиланади.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ўз ҳарбий мажбуриятларини бажаришдан иборат хатти-ҳаракатлари оқибатлари учун юридик жавобгарликка тортилмайди. Ҳарбий хизматчини юридик жавобгарликка тортиш учун фақат у содир этган ҳуқуқбузарлик, яъни ҳуқуққа зид, қонунда ман этилган хатти-ҳаракати бўла олади. Бунга соқчининг ўз ихтиёрига кўра постдан кетиши, қуролни бировга бериши ёки ноқонуний қўллаш кабилар мисол бўлади. Юридик адабиётларда ва амалиётда интизомий, маъмурий ва

моддий жавобгарлик шакллари фарқланади ҳарбий хизматчиларнинг интизомий жавобгарлиги юридик жавобгарлик шакли сифатида Ўзбекистон Республикаси Интизом низомида моддалар билан белгилаб қўйилган. У ҳарбий интизом ва жамоат тартибини бузганлик учун қўлланади.

2. Интизомий жавобгарликнинг ҳуқуқий меъёрлари;

Ҳарбий хизматчиларни интизомий жавобгарликка тортиш қоида ва шартлари Ўзбекистон Республикаси қурулми Кучларларида белгиланган. Интизомий низомнинг 8-моддасига кўра одатда, фақат бевосита бошлиқлар интизомий жавобгарликка тортиши мумкин, қайсики ҳарбий хизматчи унга лоақал вақтинча бўйинсинади Интизомий жавобгарлик субъектлари ҳарбий хизматчилар, ўқув йиғинга чақирилган ҳарбийга мажбурлар, муқобил хизмат хизматчилари шунингдек захира ёки истеъфодаги, офицер ва генераллар, ҳарбий интизом ёки жамоатнинг тартибининг хизмат кийимида бўлгани ҳолда бузганлиги учун олади. Ҳарбий жавобгарликни мустаҳкамлаш учун ҳуқуқбузар хати-ҳаракатидаги ҳарбий интизомий тартиб бузарлик, яъни ҳарбий интизом ва жамоат тартибига даҳл қиладиган қонунга ҳилоф, қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатидаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлик мавжудлиги асос бўлади.

Унинг учун Ўзбекистон Республикаси Қурулми Кучлари жавобгарлик кўзда тутилган бўлса ҳарбий интизомни бузишнинг айрим шакллари уни содир этиш шароитларига кўра ҳарбий жиноят ёки интизомий хатти-ҳаракати бўлиши мумкин.

Бунга қисмдан кетиши ва шу кабилар киради. Жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун бу каби хатти-ҳаракатларни ёки интизомий ҳаракатлар ёки ҳарбий жиноят сифатида баҳолашни кўзда тутди. Ҳарбий интизомий ҳаракат (интизомни бузиш) ҳарбий жиноятдан фарқли равишда давлат ва жамият қурилиш асосларига қарши қаратилган. Бироқ қонун бузилишидан иборат, шу боис у ижтимоий ҳавфли, уни содир этган шахс ижтимоий жавобгар бўлиши лозим.

Бу интизомий жавобгарлик ҳар бир интизомий хатти-ҳаракат учун келиб чиқиши демакдир. Командир (бошлиқ) ҳарбий хизматларга ҳарбий хизмат талабларини эслатиш билан чекланиши, хатти-ҳаракат муҳокамасини офицер, муддатли ҳарбий хизматчилар судига топширилиши мумкин.

Интизомий жавобгарлик ҳуқуқбузарга нисбатан интизомий чора (санксия) қўлланган вақтда келиб чиқади. Интизомий жазо мавжудлиги, масалан ҳарбий хизматчига навбатдаги ҳарбий унвон берилиши, ўқишга киришга рухсат этилиши. Юқори лавзимга тавсия этиш ва шу кабилар тўсиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари, маълум муддат ичида интизомни бузиш такрорланган айрим ҳолларда янада қатъий чора кўришга олиб келиши мумкин.

4. Ҳарбий хизматчиларни моддий жавобгарликка тортиш учун асослар ва унинг тартиби.

Масалан, ўзбошимчалик билан бир суткадан кам вақтга қисмни ташлаб кетиш интизомий тартибда жазоланади, бу каби ҳаракатлар уч ой ичида такрорланса жиноий жавобгарликка тортилади. Маълумки Ўзбекистон Республикаси қурулми Кучлари интизомий чоралар турлари белгиланган ва конкретлаштирилган, уларни тайинлаш ва ижро этишнинг аниқ тартиби,

мустаҳкамланган, ҳарбий хизматчини интизомий жавобгарликка тортишда қонунийлик кафолатлари белгиланган. Фақат низом талабларини аниқ бажариш ва улардан исталган четланишнинг олдини олиш, интизомий амалиётнинг чора кўриш изчиллиги, уларнинг ҳуқуқбузарлик хавф даражасига мослиги каби тамойилларига амал қилиш интизом кафолати бўла олади.

Назорат саволлари:

1. Нафақа ва имтиёзлар ҳақида умумий қоидалар
2. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун пенсиялар
3. Пенсия белгилаш ва тўлаш тартиби.
4. Ҳарбий хизматчилар пенсия таъминоти ва унинг ҳарбий фаолияти рағбатлантиришдаги ўрни
5. Ногиронлик бўйича ва хизмат йили учун пенсия тайинлаш тартиби
6. Боқувчисини ёқотган пенсиясини тайинлаш тартиби.

Таянч сўзларлар:

Жарима - жазо сифатида ундириладиган пул.
қамоққа олиш - ҳибисда сақлаш
Оклад - иш ҳақи миқдори

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Мудофаа тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни
3. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни.
4. Каримов И.А. Мамлакатнинг асосий бойлиги - тинчлик ва қуёш. 1995.
5. Ахмедов Р.У. Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлари - тинчлик ва барқарорлик кафолати. 1995.

Мавзу-7: Ҳарбий адлия ва суриштирув органлари. Жиноий иш юритиш.

Ўқув тарбиявий мақсадлар.

1. Талабаларга ҳарбий адлия ва суриштирув органлари ҳақида назарий билим бериш.

2. Ўзбекистон Республикаси қуролли Кучлар судлов ишлари, ҳарбий прокуратуранинг асосий йўналишлари, қоидалари, тузилиши ва шахсий таркиб иштирокида ҳарбий судловнинг олиб борилиши ҳақида билим ва кўникмалар бериш.

Ўқув саволлари:

1. Ҳарбий прокуратура фаолиятини ташкил этиш, вазифалари ва тамойиллари.

2. Ҳарбий прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари ва қоидалари.

3. Жиноий суд ишлаб чиқариши вазифа ва тамойиллари.

4. Қуролли Кучларда тергов олиб бориш.

5. Ҳарбий суд жараёнини шахсий таркиб иштирокида ўтказиш.

1. Ҳарбий прокуратура фаолиятини ташкил этиш, вазифалари ва тамойиллари. Қонунни муҳофаза этиш органлари тизимида прокуратура муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунадиган прокурорлар зиммасига мамлакатда қонунлар аниқ ва бир хил бажарилиши устидан олий назорат юкланган.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонунларнинг бажарилиши устидан олий назорат Ўзбекистон Республикаси бош прокурори ва унга бўйсунадиган ҳарбий прокурорлар зиммасига юклатилган.

Қуролли Кучларида бевосита назоратни амалга оширадиган орган ва мансбдор шахслар биргаликда ҳарбий прокуратурани ташкил этади, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Прокуратура тўғрисидаги қонуни (9,12,92) ва ҳарбий прокуратура тўғрисида низом билан бошқарилади.

Ҳарбий прокуратура қуйи ҳарбий прокурорларнинг юқоридагиларига ва Ўзбекистон Республикаси бош прокурорига бўйсунishi билан марказлаштириш тамойили асосида қурилган.

Бош ҳарбий прокурор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XXII боб) ва амалдаги қонунчилик асосида иш юритади. У қонунларни тўғри ва бир хил қўллаш устидан назорат, ҳар қандай маҳаллий тафовутлар ва маҳаллий ҳамда идоравий таъсирлардан қатъий назар қонунлар бузилишини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш, айбдорларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш бўйича иш олиб боради.

2. Ҳарбий прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари ва қоидалари.

Ҳарбий прокуратура органлари фаолияти қонун устиворлигини таъминлаш, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, шахс эркинликларига дахл қилишдан ҳимоялаш, давлат мустақиллиги, ижтимоий давлат қурилиши,

сиёсий ва иқтисодий система, Конституцияда белгиланган миллий гуруҳлар ва ҳудудий тузилмалар ҳуқуқлари ва шу қабиларга қаратилган.

Ҳарбий прокуратура органлари тизими Қуролли Кучлар структурасига мос тузилган ва уч асосий бўғиндан иборат: олий бўғин-Бош ҳарбий прокуратура, ўрта бўғин Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари турлари ҳарбий прокурорлари, қуйи бўғин - горнизонлар, қўшимчалар ва уларга тенглаштирилган ҳарбий прокуратуралар.

Бош ҳарбий прокуратура бошқарувчи ҳарбий прокурорлик органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси таркибида ташкил этилади. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланадиган Ўзбекистон Республикаси Бош ҳарбий прокурори бошқаради.

У биринчи ўринбосар, ўринбосар, катта ёрдамчилар ва ёрдамчиларга эга. Бош ҳарбий прокуратурада бошқармалар, бўлимлар, девонхона, қабулхона, шунингдек, ҳарбий прокуратура фаолиятининг тобора муҳим масалалари муҳокама этиладиган комиссия тузилади Бошқарма ва бўлимлар таркибида катта ҳарбий прокурорлар ва ҳарбий прокурорлар бор.

Бош ҳарбий прокурор ҳузурида ўта муҳим ишлар бўйича катта терговчилар бўлиши мумкин. Қуролли Кучлар турлари ҳарбий прокуратураси ўзига бўйсунган ҳарбий прокуратуралар учун бошқарув органи саналади.

Унга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тайинланадиган Қуролли Кучлари турлари бош прокурори раҳбарлик қилади. У бўлим ва девондан иборат, ҳарбий прокурор биринчи ўринбосар ва ўринбосарлар, катта ёрдамчилар ва ёрдамчилар, ўта муҳим ишлар бўйича терговчилар ва катта терговчиларга эга.

Бўлимларда бўлим ҳарбий прокурорлари фаолият юритади. Гарнизон ҳарбий прокуратурасига Бош ҳарбий прокурор тайинлайдиган горнизон ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади.

У ўринбосарлар, катта ёрдамчи ва ёрдамчилар, шунингдек, терговчи ва катта терговчилардан иборат бўлади. Гарнизон ва ҳарбий прокурорлари ҳарбий прокуратура тизими асосини ташкил этади.

Ҳарбий прокуратуранинг қонун устиворлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қонунбузарликнинг олдини олиш ва тугатиш юзасидан ишлари қуйидаги асосий йўналишларда олиб борилади: қонунлар, ҳарбий низомлар ва бошқа ҳарбий қонун ҳужжатларининг ҳарбий қисмлар, муассасалар, Олий Ўқув юртлари, корхоналар, ташкилотлар, командирлар (бошлиқлар) ва бошқа мансабдор шахслар, барча ҳарбий хизматчилар ва ўқув йиғинга чақирилган ҳарбийга мажбурлар устидан назорат олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тергов органлари томонидан, ҳарбий прокуратура терговчилари, шунингдек, тергов органлари ва ҳавсизлик органлари терговчилари томонидан олиб борилади.

Ҳарбий трибунал тасарруфида тергов қилишда қонунчиликка риоя этиш устидан назорат; ҳарбий судларда ишларни кўришда қонунийлик устидан назорат; қонун ва ҳарбий низомларга гауптвахталар ва қамоққа олинган ёки ушланган ҳарбий хизматчилар аниқланадиган бошқа жойларда, интизомий батальонлар, шунингдек, ҳарбий судлар тайинлаган жазоларни қисмларда бажариш чоғида амал қилиш устидан назорат, ҳарбий прокуратура Ўзбекистон

Республикаси Қуролли Кучлари қонунбузарликлар жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашишга чақирилган.

Шу боис унга дастлабки терговни олиб бориш, жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш, жиноятчилик сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш юклатилган.

Прокуратура ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқиш, ҳарбий қонунчиликни такомиллаштириши ва қонунлур тарғиботида фаол иштирок этади.

Умумий назорат вазифаларини бажариш учун ҳарбий прокурорлар тегишли ваколатларга эга. Умумий назорат олиб борар эканлар прокурор ўз компетентцияси доирасида: ҳарбий бошқарув органлари, командирлар (бошлиқлар) ва Қуролли Кучлар бошқа мансабдор шахслари томонидан ишлаб чиқилган буйруқлар, йўриқномалар бошқа ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва ҳарбий низомларга мувофиқлигини текшириш учун талаб қилиб олади; командир (бошлиқлар)дан тегишли ҳужжатлар, материаллар, шунингдек, уларга бўйсунадиган ҳарбий қисмлар фаолиятини текшириш ва тафтишларни қонун бузилишлари ҳақида мавжуд маълумотлар сабабини талаб қилади; қонунларнинг ҳарбий бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар томонидан бажарилишини аризалар, шикоятлар ва бошқа маълумотлар асосида текширилади ; мансабдор шахслар, ҳарбий хизматчилар ва бошқа фуқароларни чақириб улардан қонун бузилишлар бўйича тушунтиришларни талаб қилади.

Ҳарбий бошқарув органлари чиқараётган буйруқлар ва бошқа ҳужжатларга протест ёзади; ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортади, интизомий ёки маъмурий иш қўзғатади; қонунда қўзда тутилган ҳолларда ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақидаги маълумотларни ҳарбий жамоаларга чора кўриш учун юборади ёки бундай шахсларни қонун бузилиши ҳақида огоҳлантиради; қонун бузилиши билан етказилган моддий зарарни қоплашни белгиланган тартибда таъминлаш чораларини кўради; ҳарбий бошқарув органлари командирлар ва бошқа мансабдор шахсларга қонун бузилишларини тугатиш, уларнинг сабаблари ва шароитларининг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади.

Суриштирув органлари ва дастлабки тергов чоғида қонунлар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб бориб, ҳарбий прокурор ўз ваколати доирасида: бу органлардан текшириш учун содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ҳужжатлар, жиноят ишлари ва бошқа маълумотларни; жиноятчини аниқлаш ва қидириш ҳақида ҳужжатларни талаб қилади, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақида ариза ва маълумотларни ҳал этишда қонун талаблари бажарилишини талаб қилади; жиноий иш қўзғатади ё буни рад этади, жиноятларни тергов қилиш ва таснифлаш, олдини олиш чорасини танлаш масалаларида ёзма кўрсатма беради; тинтув, почта-телеграф ахборотини рўйхатга олиш ва айбланувчини лавозимидан бўшатишни санкциялайди; тергов ва қамокда сақланиш муддатини узайтиради ва шу кабилар, терговчилар ва суриштирув олиб борган бошқа шахсларнинг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилади; уларни суриштирув ёки дастлабки терговдан четлатади; агар улар қонунни бузган бўлса, суриштирув

органидан ишни олади ва терговчига топширади, ишни дастлабки терговнинг бир органидан бошқасига ўтказди, жиноий-простессуал қонунчиликда белгиланган бошқа ҳаракатларни бажаради.

Ҳарбий прокурорларнинг исталган тергови ё суриштирув органига жиноий-простессуал қонунчиликка мувофиқ берилган жиноий иш қўзғатиш ва уни қўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган топшириқлари улар учун мажбурийдир.

Жиноий иш қўзғатилгани ва тергов бошлангани тўғрисида суриштирув органи ва терговчи зудлик билан ҳарбий прокурорга маълумот беради.

Қонунлар ва ҳарбий низомларнинг гауптвахталар, интизом батальонларида бажарилиши устидан назоратни амалга ошира бориб, ҳар бир прокурор мунтазам равишда ва исталган пайтда бу жойларда бўлади: тегишли ҳужжатларни ўрганади ноқонуний равишда гауптвахтага келтирилганларни зудлик билан озод қилади; қамоққа олинган ва судланганларнинг сақланиши шароитлари ва тартибини текширади, ноқонуний ҳужжатларга протест ёзади ва ҳаракатларни тўхтатади.

Бу ҳолда ҳарбий прокурор қарори ва таклифи бажарилиши мажбурийдир. Прокуратура ҳарбий хизматчилар ва йиғинларга чақирилган ҳарбийга мажбурлар содир этган жиноятларнинг ягона ҳисобини юритади.

Ҳарбий низом ва ҳарбий прокуратура тўғрисидаги қонунга мувофиқ командирлар (бошлиқлар) ҳар бир жиноят ҳолати ҳақида ҳарбий прокурорга ҳабар қилади.

3. Жиноий суд ишлаб чиқариши вазифа ва тамойиллари.

Жиноий суд ишлаб чиқариши (жиноий простесс) жиноятларни очиш ва айбдорларни адолатли жазолашга чақирилган. У қонун билан бошқариладиган дастлабки тергов, прокуратура ва суднинг жиноий ишлари тергов қилиш ва ҳал этиш бўйича фаолиятдан иборат.

Жиноий суд ишлаб чиқариши давлат фаолияти турларидан бири. Давлат жиноятчиликка қарши курашиб, белгиланган ҳуқуқ тартиботни ҳимоя қилиб, органлар ва мансабдор шахсларга давлат мажбурлаш чораларини қўллашни юклайди.

Жиноий-процессуал фаолиятни фақат қонун йўли билан ваколат берилган давлат органлари ва мансабдор шахслар, яъни: суд, прокурор, терговчи. Суриштирув органи амалга оширишга ҳақли.

Улар ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлар муасасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқоролар учун мажбурий. Простессни яқунловчи ҳуқуқий ҳужжат - суд ҳукми давлат номидан эълон қилинади.

Жиноий процес содир этилган ёки ҳозирланаётган жиноят бўйича олиб борилади. Суд ишлаб чиқариши тартиби қонунда белгиланган.

Мазкур жараёнинг бевосита вазифалари жиноятни тез ва тўлиқ очиш, айбдорларни фош этиш, қонунни тўғри қўллашни таъминлаш, ҳар бир жиноят содир этган шахс адолатли жазо олиши ва айбсизнинг жавобгарликка тортилмаслигини таъминлашдир.

Қонун суд ишлаб чиқаришининг янада кенг ижтимоий вазифаларини белгилаб беради, суд ишлаб чиқариши қонун ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг олдини олиш ва тугатиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари изчил бажарилиши, умум инсоний ҳамжиҳатлик қонунларини ҳурматлашни таъминлаш. Жиноятни тез

ва тўлиқ очиш-жазо муқаррарлигини таъминлашнинг зарур шартидир. Жиноятнинг тез очилиши айбдорни жавобгарликка тортиш пайтини жиноят содир этилган пайтга ақинлаштириб, жазонинг жиноят олдини олиш таъсирини кучайтиради

Жиноий суд ишлаб чиқарилиши айбдорнинг адолатли, содир этган жинояти ҳавфлилиги ва айби даражасига мос жазоланишини таъминлаши керак. Фуқороларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши, асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ва айниқса, судлаш давлат ва унинг органларини дескредитациялашга олиб келади. Фуқороларни асоссиз жиноий жавобгарликка тортишдан ҳимоялаш суд ишлаб чиқаришнинг зарурий шarti ва энг муҳим вазифаларидан бири. Одил судлов тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 106-116 моддаларида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ишлаб чиқариши ва одил судловнинг асосий тамойиллари мустаҳкамланган.

Бу суд мустақиллиги ва судлар дахлсизлиги (106,108м); судьялар мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi (112м); судья лавозими ва депутат мандати биргаликда бўлмаслиги (108,112м); судьяларнинг сиёсий партия ва ҳаракатлардан ҳоли бўлиши (108,112м); ва бошқалар.

Барча ҳолларда суд очиқ ва ошкоралиги (ёпиқ суд мажлиси қонунда белгиланган ҳолларда сақланади) (113м) суд ишлаб чиқариши давлат тилида ва мавжуд жойдаги кўп истиқомат қилувчи миллат тилида қонуний юритилиши керак (115м).

Ҳимоячиларнинг тергов ва суд ишлаб чиқаришининг барча босқичларидаги иштироки (116м). Ўзбекистон Республикаси Конституцияси суд-ҳуқуқий ислохотларга кенг йўл очиб берди.

Бу ислохотларнинг асосий мақсади - суд мустақиллигини таъминлаш. Барча фуқоралар қонунга бирдек амал қилишлари зарур ва улар қонун томонидан бирдек ҳимояланади ва уни бузганлик учун бирдек жавобгардир.

Ижтимоий келиб чиқиши, дини, миллати ва бошқа шароитларга кўра бирор имтиёз ёки дискриминитацияга йўл қўйилмайди. Ягона суд тизимида ҳарбий судлар ҳам қиради.

Улар Ўзбекистон Республикаси судлари саналади ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сstrukturасига мос тузилган. Ҳарбий судлар системаси асосий бўғини гарнизонлар ҳарбий судлари бўлиб, улар биринчи инстанция суди саналади ва ҳарбий судга дахлдор жиноий ишларнинг асосий кўпчилиги ва барча фуқоролик ишларини кўради.

Ҳарбий ҳизматчилар, йиғинга чақирилганлар, ҳавфсизлик органлари офицерлари, сержантлар, аскарлари содир этган жиноятлар, хизматнинг белгиланган тартибини бузиш билан боғлиқ ишлар, шпionaж билан боғлиқ барча ишлар ҳарбий судда кўрилади.

Бошқа шахслар содир этган жиноятлар фақат қонунда белгиланган ҳолларда ҳарбий судда кўрилиши мумкин. Ишни дастлабки ўрганиш иш шароитига кўра даслабки тергов ёки суриштирув шаклида олиб борилиши мумкин.

4. Қуролли Кучларда тергов олиб бориш.

Суриштирув жиноятни ҳарбий қисм командири буйруғига кўра суриштирувчи - офицер томонидан жиноий-процессуал қонунга амал қилиб тергов олиб боришидир.

Суриштирув органлари амалда қисм командирлари ва ҳарбий муассасалар бошлиқлари (жиноий суд ишлаб чиқариши асосларига мувофиқ). Ҳарбий хизматчилар, шунингдек хизматчилар, муассаса, ҳарбий ўқув юрти, корхона ва ташкилот ходимлари содир этган жиноятларни суриштирув олиб боришга ҳақли, командирга суриштирув органи ҳуқуқи берилиши ҳарбий интизомни бошқариш, ҳарбий хизматчиларни қонунлар, ҳарбий қасамёд, низомлар ва командирлар буйруқларини аниқ бажариши руҳида тарбиялаш воситасидир. Командир ва бошлиқлар суриштирувни ўзи олиб бормай, балки суриштирувчи-офицерларга топширади.

Улар қисм командири буйруғи билан икки йиллик муддатга бунинг учун яхши тайёрланган офицерлар ҳисобидан тайинланади. Тегишли тажриба, кўникмаларга эга бўлган суриштирувчилардан бири катта суриштирувчи қилиб тайинланади. Унга янада мураккаб ишларни суриштириш топширилади.

Суриштирувчиларни тайинлаш ҳақида буйруқ нусхаси ҳарбий прокурорга юборилади.

Суриштирувчилар:

А) бригадага - 5-6;

Б) алоҳида батальонга - 3-4;

В) алоҳида взводга - 1-2;

Г) штаб ва муассасага -2-3 суриштирувчи ҳисобидан тайинланади.

Суриштирув жиноий иш қўзғатилишидан бошланади. Жиноят ҳақида хабар олгач, қисм командири уни тергов қилиш ўз ваколати доирасида бўлса, шу кун жиноий иш қўзғатиши шарт, у тегишли қарор чиқаради ва ишни суриштирувчилардан бирига топширади, бунда нимани қандай аниқлаш кераклигини, қандай тергов ҳаракатлари олиб борилиши ва суриштирув қачон тугалланиши аниқ кўрсатилади.

Аниқланган жиноят ва суриштирув ишлари бошлангани ҳақида қисм командири маълум қилади. қонунга кўра жиноятни терговчи тергов қилиши керак бўлса, суриштирув органи шошилиш тергов ҳаракатлари билангина чекланади, улар жиноят изларини аниқлаши ва мустаҳкамлаш, ашёвий далилларни топиш, айбдорни аниқлаш, гувоҳлар ва жабрланувчини топиш мақсадини кўзлайди.

Бу тоифа ишлар терговчи зудлик билан кела олмаган ёки ҳарбий прокурорнинг бевосита кўрсатмаси бўлган ҳолларда бажарилади. Бошқа ҳолларда суриштирув органи мажбурияти ҳарбий прокурорга маълум қилиш ва жиноят содир этилган жойни терговчи келгунча қўриқлашдан иборат.

Терговчининг зудлик билан етиб келиши мушкул бўлмаган ҳолларда, шунингдек, ҳарбий прокурор кўрсатмаси бўйича қисм командири жиноий иш қўзғайди ва шошилиш тергов ҳаракатлари: жойни кўздан кечириш, тинтув, гувоҳларни сўроқ қилиш, гумондорларни тутиш ва сўроқ қилиш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш ҳақида кўрсатма беради.

Даслабки тергов шарт бўлган ишларда суриштирув 10 суткагача (жиноий иш қўзғатилган кундан бошлаб) давом этиши мумкин. қисм

командири ҳарбий прокурор кўрсатмаси ёки 10 кунлик муддатни кутмай ишни ҳарбий прокурор ёки терговчига топшириши зарур. Бу ҳолда суриштирувчи ишни қисм командири тасдиқлаган кетма-кетликда ўтказиш ҳақида қарор чиқаради.

Оғир бўлмаган, ишнинг охирда алоҳида қийинчилик туғдирмайдиган ишлар бўйича, уларда дастлабки тергов ўтказиши зарур бўлмаса, суриштирув органи терговни тўлиқ ҳажмда олиб бориши мумкин. Суриштирув бир ойгача давом этади ва натижаларига кўра айблов ҳулосаси тузиш ёки жиноий ишни тўхтатиш ёки тугатиш ҳақида қилиш билан тугатилади. Суриштирув ўтказиш муддати қонуний асосда ҳарбий прокурор томонидан узайтирилиши мумкин.

5. Ҳарбий суд жараёнини шахсий таркиб иштирокида ўтказиш.

Суд фаолияти ошкоралиги салбий ходисалар билан курашнинг самарадор усули ва шу боис ҳарбий судлар тобора долзарб ишларни, катта тарбиявий аҳамияти бўлган ишларни ҳарбий қисмларда шахсий таркиб иштирокида кўради.

Шахсий таркиб иштирокидаги суд жараёни қисм қўмондонлиги ва жамоатчилигининг фаол иштирокида тайёрланади. Бу каби ишга бевосита раҳбарликни шахсий таркиб билан ишлаш бўйича қисм командири ўринбосари амалга оширади.

Командир жамоат ташкилотлари, ҳарбий трибунал ва ҳарбий прокуратура билан ҳамкорликда у шахсий таркибни процессга тайёрлайди ва унинг натижаларини тарбиявий мақсадларда самарали қўллаш учун чоралар кўради.

Суд жараёнинг тарбиявий таъсири уни шахсий таркиб иштирокида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги қарор қанчалик тўғри эканига боғлиқ, ишни кўриш зарур тарбиявий самара бериш учун у долзарб ва ибратли бўлиши керак ҳарбий қисмдаги процесс ташкилий жиҳатдан пухта тайёрланиши лозим.

Иштирок этадиган ҳарбий хизматчилар аниқланиши, ҳолат тайёрланиши, процесс жойига суд таркиби ўз вақтида келишини таъминлаш, суд процесси қатнашчилари: таржимон, гувоҳлар, экспертнинг ўз вақтида келишини таъминлаши; суд коменданти, конвой ажратиш ва унга йўриқнома бериш ва зарур.

Бу ишларда, юзаки қараганда майда кўринган ҳар бир хато процесс самарадорлигини пасайтириши ё уни бутунлай барбод қилиши мумкин. Процессга тайёргарлик қўмондонлик, ҳарбий трибунал ва прокуратура биргаликда ишлаган режа асосида боради.

Режа иш хусусиятлари ва жараёни ўтказиш шароитини ҳисобга олиб тузилиши керак. Унда шахсий таркиб билан суҳбатлар, шахсий таркиб йиғилиши; фаоллар йиғилиши; офицерларнинг йиғилишлари ва шу кабилар акс этади.

Процесс натижаларини тушунтириш ишлари ҳам ўрин эгаллайди. Ўтказилган иш бўйича тушунтиришлар иш мазмунини ва суд натижаларини бутун шахсий таркибга ўтказишдан иборат.

Шу мақсадда ҳарбий трибунал ҳукм нусхасини қисм командирига юборади. Одатда бу ҳукм эрталабки саф тортиш чоғида ўқиб эшиттирилади.

Тушинтириш ишларини қисм командирининг шахсий таркиб бўйича ўринбосарлари, ҳарбий юстиция ходимлари олиб боради, ҳарбий суд ҳукмлари моҳияти армия матбуотида ёритилиб борилади ва бошқа қисм хизматчиларига етказилади.

Ўқув саволлари:

1. Ҳарбий прокуратура фаолиятини ташкил этиш, вазифалари ва тамойиллари?
2. Ҳарбий прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари ва қоидалари?
3. Жиноий суд ишлаб чиқариши вазифа ва тамойиллари?
4. Қуролли Кучларда тергов олиб бориш?
5. Ҳарбий суд жараёнини шахсий таркиб иштирокида ўтказиш?

Таянч сўзлар:

Назорат-текшириш маъносида кузатиш.

Протест - бирор нимага қатъий эътироз.

Олиш-тинтув чоғида олиш.

Гауптвахта - ҳарбий хизматчиларни қамокда сақлаш учун жой.

Суриштирув - дастлабки маъмурий тергов.

Адабиётлар ва ўқув қўлланмалар.

1. Жиноят кодекси.
2. Жиноят процессуал кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги “қуролли Кучларида суриштирув органлари ишини ташкил этиш” директиваси.

Мавзу-8. Давлат мукофотлари, фахрий унвонлар ва кўкрак нишонлари.

Ўқув тарбиявий мақсадлар.

1. Талабаларга давлат мукофотлари фахрий унвонлари ҳамда кўкрак нишонлари тўғрисида назарий билим бериш.
2. Талабаларни давлат мукофотлари, фахрий унвонларига нисбатан ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Ўқув саволлари.

1. Ўзбекистон Республикаси мукофот тизимини яратиш. Давлат мукофотлари билан тақдирланишга тақдим этиш тартиби.

2. Ўзбекистон Республикаси ва унинг Қуrolли Кучларидаги орден, медал, фахрий унвон ва кўкрак нишонлари:

3. Давлат мукофотлари билан тақдирланганларнинг бурч ва ҳуқуқлари.

Биз сиёсий барқарорликга суверенитетга давлат рамзларига, валютамызга эга бўлдик, хусусийлаштириш борасида ҳам маълум ютуқларга эришдик. Ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалигини шакиллантирдик, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизга эга бўлдик.

Агар ёш давлатимизнинг энг муҳим ва ажралиб турувчи хусусиятини айтадиган бўлсак, биз ўйланиб ўтирмадик, биз ҳаракат қилдик. Биз ирки, дини, миллатидан қатъий назар мамлакатимиз фуқоролари учун ҳуқуқ ва бурчларини тақдим этдик. Бу ҳуқуқ ва бурчлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган.

Ички сиёсатнинг энг муҳим принципларидан бири бу ҳар бир инсонга, корхонага, тармоқга ўз қизиқ ишларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратишдир.

Ижтимоий, иқтисодий сиёсатни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларини таъсис этиш муҳим рол ўйнайди.

“Давлатимиз рамзлари ўзида ўзбек халқининг шонинни, фахрифтихорини, тарихий хотирасини ва интилишларини акс эттиради. Бу рамзларни қадирламоқ-бу давлатда ва ўзида шахсий фазилтларни ва ишончни мустаҳкамламоқ демакдир. Ўз ватанига содиқ инсон оила ва Ватан шухратини ёйиш учун ҳеч нарсани аямайди” - А.Каримов.

Давлат мукофотлари билан Республикамыз ривожланиши учун ўз кучини аямаган, уни гўллаб яшнашига ўзининг катта ҳиссасини қўшган фуқоролар тақдирланади. Орден ва медаллар Герб ва Байроқ каби “такрорланмас, гўзал, нафис бўлади” ва ўзида тарих, маданиятини акс эттиради, ҳамда Ватанга хизмат қилиши керак.

Ҳар бир Олий Мажлис томонидан қайд этилган орден, медал ва кўкрак нишони ўз статусига эга.

Статусда ватан олдидаги қурилиш, муҳофаа соҳасидаги хизмат, меҳнатдаги муносиб хизмат ва ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичлари, ҳамда аниқ қоидалар кўрсатилади. Орден, медалл фахрий унвон ва кўкрак нишонлари билан алоҳида шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқоролари ва чет элликлар), корхона муассаса, ташкилот, шаҳар, вилоят жамоалари, ҳарбий қисмлар тақдирланиши мумкин.

Давлат мукофотлари билан тақдирланганлар қонунчилик тамонидан ўрнатилган бир қатор имтиёзларга эгадирлар. Мукофотлардан махрум этиш фақатгина Олий Мажлис томонидан амалга оширилиб, суд ҳукми ёки бузуқ ҳаракатлар асосида бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг Қуrolли Кучларидаги орден, медал, фахрий унвон ва кўкрак нишонлари:

Ўзбекистон Республикаси ва унинг Қуrolли Кучларидага ҳам орден, медал фахрий унвон ва кўкрак нишонлари мавжуд. Энди бу орден ва медал

билан эса мана шу қисқа давр ичида таъсис этилган орден, медал фахрий унвон ва кўкрак нишонларини кўриб чиқамиз.

“Меҳнат шухрати” ордени.

“Меҳнат шухрати” ордени билан Ўзбекистон иқтисодиёти, маданияти, халқ фаровонлигини ошириши, тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида ўзининг ҳиссасини қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқоролари тақдирланади. Мустасно ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси фуқороси бўлмаганлар ҳам “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланиши ҳам мумкин.

“Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирланганларга қирқ баробарли энг кам иш ҳақи кўринишидаги пул мукофоти берилади ва улар қонунчилик томонидан ўрнатилган баъзи имтиёзларга эга бўладилар.

Тақдирланувчи шахс вафот этган бўлса Тақдирланиш тўғрисидаги ҳужжат ва пул мукофоти унинг оиласига берилади.

“Меҳнат шухрати” ордени билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам тақдирланган. Тақдирлаш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини “Меҳнат шухрати” ордени билан тақдирлаш Олий Мажлис тамонидан амалга оширилган.

“Шон Шараф” ордени.

Ватан ҳимояси чоғида жонбозлик ва жасорат кўрсатган, муҳофаа ва миллий ҳавфсизликни мустаҳкамлашда катта хизмат қилган, Қурулли Кучларни жанговорлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқий тартибни таъминлашда ўзхизматини аямаган шахслар “Шон Шараф” ордени билан тақдирланадилар.

Мустасно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқороси бўлмаганлар ҳам “Шон Шараф” ордени билан мукофотланади.

“Шон Шараф” ордени 2 даражадан иборат:

1- даражали “Шон Шараф” ордени.

2 -даражали “Шон Шараф” ордени.

1-даражали орден олий даражали ҳисобланиди ва 2-даражалидан кейин 1-даражали ордени билан тақдирланиш 3 йил интервал билан амалга оширилади.

“Шон Шараф” ордени. Ўзбекистон Республикаси Президентини “Шон-Шараф” ордени билан тақдирлаш Олий Мажлис тамонидан амалга оширилади.

2-даражали “Шон Шараф” ордени билан тақдирланган кишиларга энг кам иш ҳақининг 20 баробарида, 1-даражали “Шон Шараф” ордени билан тақдирланганлар эса энг кам иш ҳақининг 40 баробарида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

“Шон Шараф” ордени чап кўкракга тақилади.

Тақдирланувчи шахс вафот этган бўлса эса, тақдирланиш тўғрисидаги ҳужжат ва пул мукофоти унинг оиласига берилади.

“Соғлом авлод учун” ордени.

“Соғлом авлод учун” ордени билан оналик ва болаликни муҳофазасига соғлом авлодни ўстиришда моддий ва маънавий шароитларини яратишга ўзининг алоҳида хизматларини қўшган шахслар тақдирланади.

“Соғлом авлод учун” ордени икки даражадан иборат.

1-даражали “Соғлом авлод учун” ордени ва 2-даражали “Соғлом авлод учун” ордени.

1-даражали орден олий даражали ҳисобланиди ва 2-даражалидан кейин 1-даражали ордени билан тақдирланиш орасидаги интервал камида 3 йил бўлиши лозим.

2-даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланганлар энг кам иш ҳақини 25 баробарида, 1-даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланганлар энг кам иш ҳақини 50 баробарида пул мукофотини оладилар. 1чи ёки 2чи даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланганлар бир қатор имтиёзларга эга бўладилар.

“Соғлом авлод учун” ордени чап кўкракга тақилади. Тақдирланувчи вафотида эса тақдирланиш тўғрисидаги ҳужжат ва пул мукофоти унинг оиласига берилади.

“Ўзбекистон қаҳрамони”.

“Ўзбекистон қаҳрамони” унвони - энг олий мукофот ҳисобланади ва Ватан олдидаги қаҳрамонлик кўрсатган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларга берилади.

“Ўзбекистон қаҳрамони” унвони соф олтиндан ишланган бўлиб “Олтин юлдуз” медалли, унвон ва медал ҳақидаги гувоҳнома билан берилади.

“Олтин юлдуз” медалли Ватан олдида алоҳида хизмат қилган ёки меҳнат фаолиятида юксак ютуқларга эришган шахсларга берилади.

Медал билан тақдирланганлар энг кам иш ҳақини 60 баробарида пул мукофотини ҳам оладилар ва имтиёзларга эга бўладилар.

“Ўзбекистон қаҳрамони” унвони билан икки мартаба тақдирланмайдилар.

“Олтин юлдуз” медалли чап кўкракга тақилади.

Тақдирланувчи ўлимида “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони ва пул мукофоти унинг оиласига берилади.

“Мустақиллик” ордени.

“Мустақиллик” ордени билан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ва бунёд этиш, ҳамда тинчлик ва озодликни таъминлашга ўзини юксак ҳиссасини қўшган фуқаролар, баъзида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлар ҳам тақдирланади.

“Мустақиллик” ордени билан Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдирлайди ва бу оммавий ахборот воситалари орқали ёритилади.

“Мустақиллик” ордени билан тақдирланиш Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд раиси, Конституцион суди раиси Олий ҳўжалик суди раиси, Ўзбекистон Республикасининг бош прокурори, Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг Жўқори кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар ҳокими тақдими билан ҳам амалга оширилади.

“Мустақиллик” ордени Президент ёки Президент номидан Олий Мажлис раиси, Ўзбекистон Республикаси бош вазири томонидан тантанали равишда берилади.

“Мустақиллик” ордени билан тақдирланганлар энг кам иш ҳақини 50 баробарида пул мукофотини ва улар бир қатор имтиёзларга эга бўладилар. “Мустақиллик” ордени ўнг кўкракга тақилади.

“Дўстлик” ордени

“Дўстлик” ордени билан халқлар орасида дўстликни мустахкамланишида Ўзбекистонда халқлар ўртасида ҳартомонлама дўстликни ривожланишига ўз хиссасини қўшган Ўзбекистонда яшаётган турли халқ вакиллари тақдирланади.

“Дўстлик” ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлар ҳам тақдирланиши мумкин.

“Дўстлик” ордени билан тақдирланганларга энг кам иш ҳақини 30 баробарида пул мукофоти берилади ва улар бир қатор имтиёзларга эга бўладилар.

“Дўстлик” ордени чап кўкракга тақилади. Тақдирланувчи шахс вафотида эса ордени ва пул мукофоти унинг oilасига берилади.

“Жасорат” медали.

“Жасорат” медали билан Ўзбекистон Республикаси миллий ҳавфсизлигини таъминлашда, жамоат тартибини сақлашда жиноят билан курашишда ўз бурчиларини оқилона бажаришда, катастрофа ва офатлар содир бўлганда жонбозлик кўрсатган фуқаролар, шу ўринда ҳарбий хизматчи, Мудофаа вазирлиги, Ички Ишлар вазирлиги ва Миллий Ҳавфсизлик Хизмати органлари ишчилари тақдирланадилар.

Мустасно ҳолларда “Жасорат” медали Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганларга ҳам берилиши мумкин. “Жасорат” медали билан тақдирланганларга энг кам иш ҳақини 20 баробарида пул мукофоти берилади, медал чап кўкракга тақилади. “Жасорат” медалини Бош Вазир, Мудофаа Вазири, Миллий Ҳавфсизлик Хизмати раиси, И.И Вазирлиги Қорақалпоғистон Автоном республикаси Жуғори кенгеси раиси ва вилоят, туман хокимликлари томонидан топширилади.

“Шухрат” медали.

“Шухрат” медали билан иқтисодиёт фан, маданият, ёш авлодни ватан парварлик руҳида тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ривожланиш соҳаларига ўзини катта хиссасини қўшган шахслар тақдирланади.

Алоҳида ҳолларда “Шухрат” медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаганлар ҳам тақдирланиши мумкин. Шухрат медали билан тақдирланганларга энг кам иш ҳақини 20 баробарида пул мукофоти берилади, медал чап кўкракга тақилади. Кўкрак нишонлари ва фахрий унвонлар мамлакат мудофаасига ва хўжалик қудратини мустахкамлашга қаратилган ишларни амалга оширган фуқаролар мукофотланади.

Фахрий унвон ва кўкрак нишонига қуйидагиларни мисол қилиб киритиш мумкин: “Хизмат кўрсатган қурувчи”, Хизмат кўрсатган архитектор, “Хизмат кўрсатган архиолог”, “Хизмат кўрсатган шифокор”, “Хизмат кўрсатган нефтчи”, “Хизмат кўрсатган артист” ва х.к.

Фахрий унвонлар вазирликлар, давлат комитетлари, жамоат бошқарув органлари номидан ва буюруғи бўйича берилади. Фахрий унвонлар билан мукофотлаш чоғида кўкрак нишонлари ҳам берилиб, улар ўнг томонга тақилади.

3. Давлат мукофотлари билан тақдирланганларнинг бурч ва ҳуқуқлари.

Қуролли Кучларда фахрий унвон ва кўкрак нишонлари ҳарбий бурчларни бажаришда, жанговор тайёргарликларда ўзини аъло кўрсаткичларда кўрсатган ҳарбий хизматчиларга берилади.

Уларга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: “Қуролли Кучлар аълочиси”, “ҳарбий бунёдкорлик аълочиси”, “Моҳир мутахасис”, спортда ютуқларга эришганларга “Спортчи аскар” 1 ва 2 даражали спортчи аскар олтин кўкрак нишони.

Қуролли Кучларда кўкрак нишони қуйидагиларга: хизматни ўташ чоғида аъло кўрсаткичларга эга бўлган, ўз мутахассислигини яхши билувчи, ўқув йилида намунали баҳоларга эга бўлган, уларга топширилган ҳарбий буюриқларни бажаришда, ишлашда яхши кўрсаткичларга эга бўлган интизомли жангчиларга, аскарларни ўқитишда, жанговор тайёргарликда ва ҳарбий интизомни яхшилаш, ҳамда ҳарбий техника ва ҳарбий мулкни сақлаш, ишлатиш ва парвариш қилиш борасида юқори кўрсаткичларга эга бўлган аскар ва сержантларга берилади.

Қуролли Кучларда ҳарбий хизматчиларни кийимларида турли хил ҳарбий хизмат турларини билдирувчи ва ҳарбийларни унвонини кўрсатувчи белгилар мавжуд. Бундай ажратувчи белгиларга погонлар, халқалар, эмблемалар, юлдузчалар, кантлар, лампаслар ва ҳарбийларни жангда олган жароҳатларини ажратиб турувчи белгиларни киритиш мумкин.

Давлат мукофоти билан тақдирланганларнинг бурч ва ҳуқуқлари.

Ўзбекистон Республикаси медал ва орденлари билан тақдирланганлар бир қатор имтиёзлардан фойдаланадилар.

Бу имтиёзларга қуйидагилар: сержант ва солдатларга барча транспорт (автобус, троллейбус, трамвай, метро) текин фойдаланиш (таксидан ташқари): уй-жой олишда имтиёзга: Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурсиз кириш энг юқори баллни 25% қўшиб бериш, шифокор кўрсатмаси бўйича текин дори-дармон олиш, 50% ли ер солиғини тўлаш ва бошқалар.

Давлат мустақиллиги-ўзбек халқининг тарихий ютуғи ҳисобланади. Ҳаққоний ва одил жамият қуриш учун, авваламбор шу муқаддас тупроғида туғилган, ўзини шу юртнинг ўғли ёки қизи деб ҳисобловчи ҳар бир инсон халқи олдидаги бурчларни бажариши лозим. Бу ерда давлат белгилари, мукофотлари, унвонлари катта рол ўйнайди.

Ўзбек халқи мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ катта ва қийин масалаларни ечиш борасида жонбозлик билан меҳнат қилмоқда.

Текшириш учун саволлар:

1. Тақдирланувчилар рўйхатини ким тасдиқлайди?
2. Ким мукофотларни бекор қилади?
3. Мархумни тақдирлаш қандай амалга оширилади?
4. Тақдирланганларга қандай имтиёзлар кўрсатилади?
5. Давлат мукофотлари билан тақдирланганларнинг бурч ва ҳуқуқлари.
6. Ўзбекистон Республикаси ва унинг Қуролли Кучларидаги орден, медал, фахрий унвон ва кўкрак нишонлари:

Таянч сўзлар.

Белги-шартли ишора бўлиб хизмат қилувчи предмет ёки ҳаракат
Ватанпарварлик - ватанга содиқ бўлиш.
Тармоқ - фан ва саноатнинг алоҳида соҳаси.
Статус - устав.

Мавзу-9: Иш юритиш ва хизмат ёзишмалари.

Ўқув тарбиявий мақсадлари.

1. Талабаларга иш юритиш хизмат ёзишмалари ва ҳужжатлари турлари ҳақида назарий билим бериш.
2. Ҳарбий хизматчилар ҳарбий қисм ишчи-хизматчиларига ҳужжат бериш ва расмийлаштириш қоидалари бўйича малакасини ошириш.

Ўқув саволлари:

1. Армияда иш юритишнинг асосий қоидалари. Хизмат ҳужжатлари турлари. Иш юритишнинг ташкил этилиши ва вазифалари.
2. Хизмат ҳужжатлари назорати, ҳисоботи ва улар билан ишлаш хусусиятлари, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий қисм ва муассасалар ишчи-хизматчиларига ҳужжат бериш ва расмийлаштириш қоидалари.

Штаблар, бошқармалар, бўлимлар, хизматлар, ҳарбий қисмлар, муассасалар, ҳарбий горнизон комендатураларида хизмат ёзишмалари ва иш юритиш бўйича йўриқномада белгиланган. Иш юритиш ва хизмат ёзишмалари хусусиятлари:

Ҳужжатлар ҳисоби ва уларни сақланишда таклиф, шикоят ва аризаларни, хатларни кўриб чиқиш. Шу масала бўйича йўриқномага мувофиқ махфий ёзишмалар ва махфий иш юритиш қоидалари.

Йўриқнома бўйича қўшинларга раҳбарлик қилиш ва бошқарувнинг асосий методи ҳарбий қисм ва муассасалар мансабдор шахслари ўртасида шахсий мулоқат саналади. Хизмат ёзишмасидан фақат ҳақиқий зарурат бўлганда, шахсий мулоқат имкони бўлмаганда, қонунда ёзма ҳужжат тузилиши кўзда тутилган ҳолда фойдаланилади. Ҳарбий қисмлар томонидан хизмат ёзишмалари бўйсунушига кўра олиб борилади, фуқаро ташкилот ва муассасалари турли масалаларда ёзишмалар бундан истисно. Ҳарбий қисм бўлинмалари, бўлимлар ва хизматлараро ёзишмалар ман этилади, шунингдек, бошқарма ичида ёзишмалар ҳам.

Армияда хизмат ёзишмалари Давлат тилида амалга оширилади. Хизмат ёзишмаси юритганда барча даражадаги командир ва бошлиқлар: қўл остидагилардан кўрсатма ва буйруқлар ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш; қатъий ҳисобдаги ланкаларнинг, муҳр ва штампларнинг ҳисоби, сақланиши ва фойдаланишнинг қатъий тартибини таъминлаши; хизмат ҳужжатлари тўғри қўлланиши ва жўнатилишини таъминлаши, фуқаро, ташкилот ва муассасалар билан ёзишмалар тўғри юритилишига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Ҳарбий қисмлар архивларини ўз вақтида сақлаш муддати ўтган ва амалий иш учун кераксиз ҳужжатлардан тозалашлари; хизмат ёзишмалари ҳаракатини ўрганиши, уни қисқартириши юзасидан амалий чоралар кўриш, шахсий мулоқот ёки техникавий воситалар орқали музокара йўли билан ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларда ёзишмаларни таъқиқлаш.

Қўл остидагилар фуқаро ташкилот ва муассасаларига фақат Бош штаб томонидан кўзда тутилган муддатларда ва керакли маълумот, ҳисобот, талабнома маълумотномаларни тақдим этишни назорат қилиш.

2. Хизмат ҳужжатлари назорати, ҳисоботи ва улар билан ишлаш хусусиятлари, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий қисм ва муассасалар ишчи хизматчиларига ҳужжат бериш ва расмийлаштириш қоидалари.

Хизмат ҳужжатлари билан ишлайдиган бутун шахсий таркиб талаб ва кўрсатмаларни қатъий бажаришга, сергак бўлиш ва хизмат характеридаги маълумотлар ошкор бўлишига олиб келадиган хатоликка йўл қўймаслиги, хизмат ҳужжатлари йўқолишига йўл қўймаслиги, бошқа шахсларнинг шу каби оқибатларга олиб келиш ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) ни тўхтатишга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қуйидаги хизмат ҳужжатлари юритилди: буйруқ, директива, фармойиш, кўрсатма, қарор, режа, йўриқнома, инструкция, қомуслар, ҳисобот, доклад, хабарнома, протокол, рапорт, далолатнома, телеграмма, хизмат хати, маълумотнома, хизмат сафари гувоҳномаси, таътил билети ва бошқа белгиланган тартибда ишланган ҳужжатлар. Хизмат ҳужжатларига исталган усулда бажарилган матн ва фуқаро материаллари: қўлда ёзилган, чизилган, машинкаланган, типографик ёки бошқа усулда бажарилган материаллар киради.

Хизмат номерларига: йўриқномалар, инструкциялар, курс қоидалари, дастурлар, ўқув ва методик қўлланмалар, меъёрлар, справочниклар, ҳарбий ўқув плакатлари, эксплуатацион ва ремонт-техник ҳужжатлар киради.

Хизмат номерлари мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва тасдиқланган бўлиши шарт. Хизмат ҳужжатларини тузиш ва расмийлаштириш пайтида, қонунийлик ва ҳужжатларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи ва уларнинг тезкор бажарилишини таъминловчи қоидаларга амал қилиниши лозим. Хизмат ҳужжатлари қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

Амалдаги қонунлар, юқори командирлар (бошлиқлар) буйруқлари, директивлари ва раҳбар ҳужжатларига мос келиши.

Фактларга асосланиши, аниқ ва реал таклифлар, кўрсатмалардан иборат бўлиши; аввал ўрганилган ҳужжатлардаги талабларни такрорламаслиги, зарур ҳолларда уларга ишоралар бўлиши; қисқа, лўнда, турлича талқинга йўл қўймайдиган иборалар билан тузилиши; қуйидаги шаклда тузилиши: ҳужжат номи (буйруқ, директива), ҳужжат сарлавҳаси (хизмат хатларидан ташқари), мазмун баёни, ҳужжат тасдиқи (имзо, муҳр), сана, ҳужжат манзили.

Хизмат ҳужжати расмий иш юритиш услубида умум томондан қабул қилинган имло қоидаларига амал қилиб, аниқ ва тўғри ёзилиши лозим.

Хизмат ҳужжатлари ёзишда: содда гапларни қўллаш; гапда сўзларнинг тўғри тартибини, кириш сўзларни гап бошида ишлатиш; барқарор сўз

бирирма-лари ва атамаларини қўллаш; ортиқча сўзлардан қочиш талаб этилади;

Талаб ва топшириқларга жавобларда адресат номидан кейин жавоб берилаётган ҳужжат рақами берилади, масалан, 20,2,99даги 175-сонли. Чиқиб кетадиган ҳужжатда унинг номидан кейин бажарилган кириш рақами ёзилади: масалан, "баж, кир № 112"

Хизмат ҳужжатлари ошкор этилмайди, бегоналар ёнида улар мазмуни билан боғлиқ суҳбатлар ман қилинади. Ҳужжатларга дахли бўлмаган шахсларга улар ҳақида маълумот беришга фақат командир (бошлиқ) рухсати билан йўл қўйилади. Ҳарбий қисм (муассасалар)да ишдан ташқари вақтда хизмат ҳужжатлари билан ишлашга қисм командири, штаб бошлиғи рухсат этганда йўл қўйилади.

Хизмат ҳужжатларини ҳарбий қисм биносидан ташқарида сақлаш ва ишлашга одатда рухсат этилмайди. Ҳарбий хизматчилар, ишчи ва хизматчиларнинг хизмат ҳужжатларини ўзбошимчалик билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиши, сотув ва очик нашр қилинмайдиган ҳужжатларни олиб юриши таъқиқланади.

Зарур ҳолларда бу нашр ва материаллар улар учун белгиланган тартибда тегишли ҳарбий қисм (муассаса) орқали юборилиши мумкин.

2. Ҳар бир ҳарбий қисм муассасада номахфий иш юритиш ташкил этилиб, уни юритиш девон, саф, умумий, маъмурий ҳўжалик бўлими (қисми), улар штатда кўзда тутилмаган ҳолларда командир буйруғи билан тайинланган иш юритувчи зиммасига юкланади.

Ҳарбий қисм (муассасада) иш юритиш тегишли бўлим (хизмат)ларда бажарилган иш характериға кўра ташкил этилиши мумкин. Бу иш юритиш мазкур бўлим (хизмат) шахсий таркибига юкланади, айрим хизмат ҳужжатларини сақлаш, ҳисоб ва ишлаш ҳусусиятлари махсус йўриқномалар билан белгиланади. Ҳарбий қисмларнинг омахфий иш юритувчи ҳужжатлари ажратилган, табури билан, ҳужжат бериш ойнаси ё тўсиғи жиҳозланган хонада жойлаштирилиши лозим. Иш юритиш-нинг асосий вазифалари:

А) Хизмат ҳужжатларини қабул қилиш, жўнатиш, ҳисоб қилиш, иш юритиш ва расмийлаштириш;

б) Қўмондонликка хизмат ҳужжати келгани ҳақида ахборот ва бажариш учун топшириш;

в) Бошқарувчилар томонидан хизмат ҳужжатларини сақлаш, улар билан ишлаш таркибига риоя этилишини назорат қилиш;

г) "Хизматда фойдаланиши учун" грифли ҳужжатлар ҳисоби, сақлаш, бериш ва мавжудлигини текшириш.

Мухр ва штамплар, кўпайтириш техникаси устидан назорат ишларини амалга ошириши зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда хизмат ҳужжатлари билан ишлашда ва уларни сақлашда керакли бўлган чора тадбирларни қўллаш керак.

Такролаш учун саволлар:

1. Армияда иш юритишнинг асосий қоидалари. Хизмат ҳужжатлари турлари. Иш юритишнинг ташкил этилиши ва вазифалари?

2. Хизмат хужжатлари назорати, ҳисоботи ва улар билан ишлаш хусусиятлари, ҳарбий хизматчилар, ҳарбий қисм ва муассасалар ишчи-хизматчиларига ҳужжат бериш ва расмийлаштириш қоидалари?